



8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР, МУҲТАРАМ ОНАХОНЛАР!

Она дшеримизга келинлик либосини кийиб гўзал баҳор муаттар бўй тартиб ташриф буюрган ушбу айёмда Сиз, азиз опа-сингиллар, муҳтарам онахонларимизни Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март билан чин қалбдан табриклайман.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, гўзаллик, баҳор шабодасидай майинлик, бахт-саодат тилайман.

Мустақил Республикамиз равнақи йўлида ички ишлар идораларида эркалар билан елкама-елка туриб амалга ошираётган машаққатли ва шарафли ишларингизда муваффақиятлар, оилавий ҳаётингизда тотувлик ва фаровонлик тилайман.

Лабингиздан кулгу, чеҳрангиздан табассум аримасин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ,
ИЧКИ ХИЗМАТ ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТИ
З. А. АЛМАТОВ.



БЎЛИНМАДА ФАҚАТ ҚИЗЛАР

Тошкент олий милиция мактабида ана шундай бўлинма ташкил этилди. Орадан маълум вақт ўтгач, ундаги 15 киз мустақил республикамиз ички ишлар идоралари офицерлари погонларини тақшиди.

Хорижий давлатлар вакиллари билан ўтган йили бўлиб ўтган учрашувлардан бирида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Ф. Р. Раҳимов Туркияда бўлганда маҳаллий полициячилар орасида кўплаб хотин-қизларни кўрганни айтганди.

— Биз ҳам, — деганди ўшанда Ф. Р. Раҳимов меҳмонларга, — ички ишлар идораларида хизмат қилиш истагини билдирган қизларнинг хоҳишларини инobatта олишга қарор қилдик.

— Қизларимиз учун ҳеч қандай имтиёз йўқ, — дейди бўлинма командири Ирина Евдокимова. — Назарий ва амалий машғулотлар, қурол ишлатиш ва бошқа тайёргарликларда ҳамма билан баравар қатнашамиз. Милицияда ишлайдиган хотин-қизларни кўпчилик участка назоратида, ДАНда ва шунга ўхшаш бошқа ерларда хизмат қилишди деб ўйлашди. Мен ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Бу ерда ана шу маълумотни оламан.

Қизларнинг ҳаммасига иккита: исми-шарфингизни, қаердан келганингиз ва нима учун шу касбни танлаганингизни айтсангиз деб савол бердик.

Биринчи саволга жавоб бериш осон бўлди, лекин иккинчисига келганда...

Унга баъзилар дадил, баъзилар ийманибгина жавоб қилишди.

— Менинг устозимни ўлдириб кетишди, — дейди Ҳамза туманидаги 226-мактабни битирган Люба Трофимова. — Қайиқда сузиш билан шугулланардим. Спорт устасилигига номзодман. Судга анча спортчи қизларимиз боришди. Ҳаммамизга суд қотилларга юмшоқ жазо бергандек туюлди. Улар жуда яхши одамни ўлдиришганди. Шунинг учун ҳуқуқшунос бўлмоқчиман.

Қизларнинг барчаси ҳам ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилишмайди. Масалан, наманганлик Манзура Парпиева участка вакили бўлиб ишлашга ҳам тайёр. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилса бўлгани. Самарқандлик Татьяна Ким илгари

шахсий таркиб билан ишлаш бўлимида хизмат қилган, милицияда ишлаш машаққатини яхши билса, Сирғали туманидаги 6-мактабни тугаллаган Марина Собирова эксперт-криминалист бўлиш мақсадида ўқишга кирган.

— Менинг исми-шарфингизни Люция Бойқобилова, — дейди жилмайиб кўнғир сочли, истараси иссиқ қиз. — Ота-онамиз бизнинг милицияда ишлашимизга қарши эмаслар.

— Биз, деганингиз ким?
— Люция менинг синглим, — дея гапга қўшилди унга куйиб куйгандай ўхшаш яна бир қиз. — У мендан ўн дақиқалик кичкина...

Эгизак опа-сингил Ильясия билан Люцияларнинг боболари офицер бўлиб, Улуғ Ватан урушида халок бўлган экан. Қизлар ҳам офицер бўлиб, халқ осойишталигини кўриклашга аҳд қилишибди.

Эгаллашни орзу қилиб ўқишга кирган Маргарита Ҳайтова Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳридан келган. Тошкентлик Виктория Петрунинани халқаро бўлимда кўрсак ажаб эмас — у инглиз тилини яхши билади.

Бўлинмадаги бошқа қизлар — Елена Трофимова, Инна Иванова, Эльвира Жамилова, Наташа Размахина, Татьяна Князько, Ирина Зассаевалар ҳам еш бўлишларига қарамай, келажакда ким бўлишларини билишди. Уларнинг олий мақсадлари халқ осойишталигини кўз қорачигидай асрашдир. Биз эса уларни хотин-қизлар байрами билан табриклар эканмиз, ўқишларида муваффақият, шахсий ҳаётларида бахт-саодат тилаб қоламиз.

М.СУЛАЙМОНОВ.

Суратда: опа-сингил Бойқобилова.

Ҳ.Шодиев суратга олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, бир гуруҳ хизмат кўрсатган милиция участка вакиллари — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида хизмат юзасидан ташкил этилган учрашув иштирокчилари милиция идораларининг кўп сонли зобитлари номидан Сизга мурожаат этиб, шунинг маълум қиламизки, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни барқарорлаштириш борасида олиб бораётган сиёсатингизни қўллаб-қувватлаймиз. Халқимизнинг тинч-тотувлигини таъминлашдаги хизматларингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираемиз.

Сизнинг биз осойишталик посбонларига яратиб берган шарт-шароит, гамхўрлигингизни ҳар доим ҳис этиб турибмиз. Милиция бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми янгиланиб, моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Милиция ходимлари ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояланиши таъминланмоқда.

Мустақил Республикамиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар оғир даврга тўғри келди. Буни Сиз сезган ҳолда бизга кўрсатаётган гамхўрлигингиз зиммамизга янада юксак мажбуриятлар юклайди.

Жиноятчиликка қарши курашда биринчи сафда бўлиш билан бирга, биз милиция участка вакиллари олдимизда турган вазифаларнинг жуда муҳим эканлигини диддан ҳис қилмоқдамиз. Сизни ва Ўзбекистон халқини ишонтириб айтаемизки, ҳар бир фуқаро Республиканинг қайси жойида яшашини катъий назар, доимо ҳаёти ҳамда саломатлигини муҳофаза этиш, уларнинг мулкларини тўла-тўқис сақланиши борасида қўлимиздан келган барча чора-тадбирларни кўрамиз, имкониятлардан тўлиқ фойдаланамиз. Биз қонунга хилоф бўлган ҳар қандай кўринишга ўз вақтида қатъий зарба беришга, соф виждонли кишиларнинг мамлакатимиз гуллаб-яшнаши, унинг равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишларига, етишиб келаётган янги авлоднинг келажакини таъминлашга бутун куч-қувватимизни сарф этаемиз.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган участка вакиллари йиғилиши қатнашчилари:

Эргаш Аширбоев, милиция майори; Абдурашид Жакаев, милиция капитани; Раҳимжон Зарипов, милиция майори; Хусанбой Муқимов, милиция лейтенанти; Жўра Насипов, милиция майори; Акмал Розиков, милиция майори; Носир Сайдазимов, милиция майори; Ғофур Йўлдошев, милиция майори; Абдухолик Турсунов, милиция лейтенанти; Ўткир Умаров, милиция майори; Ғулом Худоев, милиция майори; Хўжамурод Хурсанов, милиция майори.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида бир гуруҳ энг яхши милиция участкаси вакиллари учрашуви ўтгани ҳақида аввал хабар қилгандик.

Учрашувда республика ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Ф. Р. Раҳимов, вазирлик профилактика бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Қ. Х. Назаров ва бошқа раҳбарлар иштирок этишди.

Учрашув сўнггида участка вакиллари ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган барча ҳамкасбларига мурожаатнома қабул қилишди. Шунингдек, улар республика Президенти И. А. Каримов номига мактуб йўллашди. Газетамизнинг 2-ва 3-саҳифаларида ана шу материаллар билан танишасиз.



Суратда: "Давра столи" иштирокчиларининг бир гуруҳи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг навбатдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикаси ИИБ давлат автомобиль назорати хизматларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, автоуловларни ўғирлаш ва ҳайдаб кетиш, гибҳандлик моддаларини ноқонуний равишда ташишга қарши курашиш, маст ҳайдовчиларнинг айби билан содир бўладиган болалар жароҳати ва фалокатларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятларининг аҳоли ва бу ишни такомиллаштириш тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси ИИБ хизматлари ва мустақил бўлинмаларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ИИБ бошқармалари бошлиқларининг ДАН хизматига бошчилик қилувчи ўринбосарлари ва шу

бўлинмаларнинг бошлиқлари таклиф қилинди. Ҳайъат ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилган тадбирлар комплексини, умуман олганда, йўл-транспорт ҳодисалари, автоулов воситаларидан фойдаланилган ҳолда жиноят қилишлар сонини кўпайишига йўл қўймаганини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга ИИБлари ДАН идоралари фаолиятларининг айрим йўналишларидаги мавжуд ҳато ва камчиликлар Жиззах, Намангон вилоятларида маст ҳолатдаги ҳайдовчилар айби билан содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисалари

кўпайишига, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида эса бундай фалокатларнинг оқибатлари оғирлашуви сабаб бўлди. Андижон, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида маст ҳолда машина ҳайдашнинг олдини олиш ишлари етарли даражада самарали олиб борилмаётган.

Автоуловларни ўғирлаш ва ҳайдаб кетишга қарши кўрилатилган чораларнинг самараси пастлиги қайд этилди. Бундай жиноятларнинг сони бир оз камайганига қарамай, ўғирланган автоуловларни топиш ва эгаларига қайтариш

даражаси етарлича эмас. Ўғирлашга қарши ишлатилган "Пелен" тизими бир неча йилдан бери амалиётга жорий этилмаётгани ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Гибҳандлик моддаларининг ноқонуний обороти билан боғлиқ фактларни аниқлаш борасида ҳам ДАН иштирокчи эфирозлар билдирилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан бир қатор раҳбарларнинг ҳисоботини тинглаб, ҳайъат йўл ҳаракати ва унинг қатнашчилари хавфсизлигини таъминлашни мустаҳкамлаш, автоуловлар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни кучайтириш, давлат автомобиль назорати ходимларининг сифат тарқибини ошириш ва унинг профессионал негизини шакллантиришга қаратилган ташкилий ва амалий чора-тадбирларнинг кенг тизимини белгиледи.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНМИ?

“Постда” — “На посту” давра столи атрофида суҳбат

Ғ. РАҲИМОВ:— Республика Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов ички ишлар идораларига талабчанликни кучайтириш билан бирга ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида яқиндан ғамхўрлик қилмоқда. Милиция сафларига онгли маънавий фазилатли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган кишилар қабул қилинаётир. Ички ишлар вазирлиги раҳбарлиги, унинг минтақаларидаги бошқармалари, шаҳар, туман ички ишлар идоралари лаёқатли кадрлар билан мустаҳкамланди. Кейинги вақтда милициянинг ички тизимлари, иш усули ва услубини такомиллаштириш бўйича бир қатор ташкилий ҳамда амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида участка вакиллари қандай ишлашмоқда? Уларнинг ҳаёти, бола-чақалари, оилалари, яқинлари қай даражада муҳофазаланган?

Бугун биз сизлар билан ана шу муҳим масалалар ҳусусида гаплашиб олиш учун йиғилганмиз.

Қ. НАЗАРОВ: — Рўзгорнинг тўқинлиги, ҳаётнинг осудалиги оддий деҳқондан тортиб, ҳокимият раҳбаригача сувдай зарур. Ҳозирги гала-говур даврда фақат интизомга ва қонунга бўйсунмоқ керак. Аммо уни истамаётган кимсалар борлиги аччиқ ҳақиқатдир. Фуқаронинг тинчлиги, гўдакнинг ризқини қияётганларга қарши кураш асосан сиз, участка вакиллари зиммасига юклатилган.

Гофур ЙҮЛДОШЕВ, милиция майори, Фарғона шаҳар ИИБ милиция участкаси бошлиғи:

Жўравой НАСИПОВ, милиция майори, Янгийўл шаҳар ИИБ катта участка вакили:



— Албатта, ешларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларида ҳар хил омиллар мавжуд. Менингча, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар кун сайин ортиб бораётганининг асосий сабаби тарбиянинг сустлигида, шунингдек, қонунлар савиясининг пастлигида, деб ўйлайман. Жумладан, республика бўйича ўтган йили 14—17 ёшли 6146 нафар ўсмир жиноят содир этди. Уларнинг 1607 нафари мактаб ўқувчилари. Шулардан 1253 нафари ўқув юртлари талабалари эканлиги фикримизнинг далилидир.

Эргаш АШИРБОВЕВ, милиция майори, Ҳамза тумани ИИБнинг участка вакили:



— Кейинги пайтда республика Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига катта эътибор бериб келяпти. Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича муайян ишлар қилинди. Бироқ шунга қарамай ҳали бизнинг ишимизда ҳам камчиликлар кўп. Ешлар, ўсмирлар ўртасида жиноят содир этиш ҳоллари камаймаяпти. Жазо муддатини ўтаб қайтганлар ишга жойлаша олмай сарсон бўлаётдилар. Кўпгина даҳларда ҳали ешларимизнинг спорт ишлари билан машғул бўлиши учун шароитлар яратилмаган. Юқорида айтилгандек, ешлар тарбиясига эътиборни янада кучайтиришимиз керак. Тарбия фақат ота-онанинг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг ишидир...

Носир САИДАЗИМОВ, милиция майори, Қибрай тумани ИИБнинг катта участка вакили:



— Ҳозир ички ишлар идораларида шу кеча-кундузда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим муаммолар кўп. Шулардан бири автоуловлар учун ениги масаласидир. Ҳозир туман ИИБда 34 нафар участка вакили хизмат қилади. Шулардан 14 нафарда ениги машина бор, холос. Улар шахсий машиналари билан ўзларига бирикитилган участкаларда хизмат бурчини бажариб юришади. Уларнинг шахсий машиналарига хизмат вазифасини бажариш учун давлат томонидан ениги билан таъминлаб туриш масаласини ўйлаб кўрадиган вақт келмадимкин? Бунинг

устига бизлар замонавий техника билан таъминланганмиз, деб айтолмаймиз. Буларнинг ҳар иккови жиноятчилик билан кураш йўлида биринчи галда ҳал қилинадиган масалалар деб ўйлайман.

Ҳусанбой МУҚИМОВ, милиция лейтенанти, Галлаорол тумани ИИБнинг участка вакили:



— Бу муаммо бизда ижобий ҳал этилган. Ениги масаласида Қуйтош кони раҳбарияти ҳамда Қўрғон кенгаши раиси Абдумурод Худойбердиев яқиндан ердан бераётдилар. Қуйтош қўргони туман марказидан 40 чақирим узоқда жойлашган. Тўрт нафар ўқитувчи штатдан ташқари ерданчи ходим бўлиб ишлайди. Уларга Қуйтош кони маъмурияти иш ҳақи тайинлаган.

Раҳимжон ЗАРИПОВ, милиция майори, Оққўрғон тумани ИИБнинг катта участка вакили:



— Менинг бошчилигимда тўрт нафар участка вакили хизмат қилади. Халқ дружиначиларини ҳозир ишга жалб қилиш қийин бўлиб қолди. Бироқ Оққўрғон давлат ҳўжалиги участка вакиллари кечки тадбирларни ўтказишга машина ажратиб берган, “Ҳамза” маҳалла кўмитаси раисининг ерданчиси Абдували Мавлонов участка вакиллари билан ўн қўли.

Биз меҳнат қилаётган участка ҳудудида иккита катта ҳўжалик мавжуд. Уларда 16 минг нафар киши яшайди. Бу ерда 1991 йилда 28 та жиноят содир қилинган. Шундан иккитаси очилмади. 1992 йилда 22 та жиноятга қўл урилди. Унинг биттаси очилмади. Ҳозир шу жиноятчиларни топши чора-тадбирини кўраёلمиз.

Хўжамурод ХУРСАНДОВ, милиция майори, Самарқанд тумани ИИБнинг участка вакили:



— Кичик нав-ниҳолни синдириш, илдиз билан суғириб ташлаш қанчалик осон бўлса, катта дарахтни қовлаб ташлаш шунчалик қийин эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Участка вакили ўзига бирикитилган ҳудудда содир бўлаётган, юзага келаётган ҳар бир камчиликка, воқеага эътибор бериши, ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши зарур. Акс ҳолда биз ўз назаримизда майда чўйда деб ҳаёл қилган нарсалар катталашиб, чуқур илдиз отади. Унинг оқибати эса аён. Албатта, қонун-қонданнинг бузилишига, жиноятга бориб тақалади. Мен ўз фикримни спиртли ичим-

ликларга ва гиёҳвандликка қаратмоқчиман. Ўтган йили давомида республикамизда 7385 киши маст ҳолда, 148 киши гиёҳвандлик оқибатида жиноят содир этган. Шу икки рақамнинг ўзиёқ бу ярамас иллатдан жамият қанчалик жабр тортаётганини кўрсатиб турибди.

Участка вакилининг фаолиятида майда-чўйда нарса бўлмаслиги керак, деб бекорга айтганим йўқ. Ҳар бир иллатнинг илдизини ўз вақтида қирқиш керак. Жиноятнинг олдини олиш, камайтириш учун бу соҳада иш юритишни тубдан яхшилаш, профилактик фаолиятни кучайтириш муҳимдир.

Абдурашид ЖАКАЕВ, милиция капитани, Ўрта Чирчиқ тумани, милиция катта участка вакили:



— Жиноятнинг олдини олишда ва унинг сонини камайтиришда тезкорлик муҳим ўрин тутади. Жиноятни катта-кичик деб ажратиш ҳам ярамайди. Гапимнинг исботи учун бир воқеани ҳикоя қилиб бераман.

Ўтган йилнинг апрель ойи эди. Участка таянч пунктига, менинг ҳузуримга “Гулистон” жамоа ҳўжалигида яшовчи Дониёр исмли йигит кириб келди. Маълум бўлишича, у сигири билан бузоғини боғлаб қўйган ердан ўғирлаб кетишибди. Унинг сўзлари тугар-туғамас, излов ишларини бошлаб юбордим. Шу кунни далага кимлар келиб кетганлигини, қандай юмушлар билан борганлигини аниқлай бошладим.

Текширув жараёнида, сигир боғлаб қўйилган жойда шу ерлик Турсунбой деган киши айланиб юргани маълум бўлди. Бироқ у далада ишламас эди. Унинг нима мақсадда далага борганлигини ҳеч ким изоҳлаб беролмади. Турсунбойни эса мен жуда яхши танирдим. У 1954 йилда туғилган, илгари икки марта судланган, “Ҳосил” ширкатда қоровул бўлиб ишлайди. Турсунбой Умбетовнинг далада айланиб юришида бир сир бор эди, албатта.

Мен дарров Турсунбойни қидириб ширкатга етиб келдим. Шундоққина ширкат ҳовлисидаги панароқ жойга боғлаб қўйилган сигир билан бузоқ маъраб турарди. Яна биров вақт ўтганда моллар автомашинага ортилиб кўздан ғойиб қилинарди. Унда Турсунбойни қўлга тушириш осон кечмасди. Бу воқеани эслашимдан мақсад — милиция ишида тезкорлик бўлиши лозим демоқчиман. Чунки барча муваффақият тезкорликка боғлиқ.

Гулум ХУДОЕВ, милиция майори, Бухоро шаҳридаги Тўқимачилик тумани ИИБнинг милиция участка бошлиғи:



— Юқорида ҳамкасбларим тезкорлик, аҳолига яқин бўлиш, уларнинг ердамига суяниш кераклиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Хўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Ўтган йили ИИБнинг 73-бўйруғи билан жойларда милиция участкалари ташкил этилди. Мана шу бўйруқ асосида иш юритиш юқоридаги муаммоларни тезроқ ҳал

этиш имкониятини беради. Айтмоқчиманки, милиция участкаси фаолиятини ҳақиқий мустақил идора даражасига кўтариш керак. Чунки авваллари участка вакиллари ҳар бир иш юзасидан туман марказига, яъни ИИБга бориб-келишга мажбур эдилар. Бу иш унумининг пасайишига, участка вакиллари асосий вақти ўз участкаси ҳудудида эмас, аксинча, бошқа жойларда ўтишига олиб келарди. Шундай бўлса, қандай қилиб аҳолидан тушган хабарларга тезкорлик билан ўз вақтида жавоб бериш ва халқ билан яқин бўлиш тўғрисида гапириш мумкин. Юқорида айтиб ўтганимдек, республика ИИБ буйруғи бундай овозгарчиликка барҳам берди. Энди ҳар бир ҳуқуқбузарни ИИБга олиб бориш ташвиши, автомашина ва ходимлар овозгарчилиги йўқолди. Кўпга масалалар милиция участкаси бошлиғи томонидан ҳал этиладиган бўлди. Милиция участкаси шаклида иш олиб бориш афзалликлари тўғрисида хоҳлаганча илиқ сўзларни айтиш мумкин. Жиноятчиликка қарши курашда энг яхши усул деб ҳисоблайман ва уни янада ривожлантириш керак.

Абдуҳалиқ ТУРСУНОВ, милиция лейтенанти, Гулистон шаҳар ИИБнинг милиция участка вакили:



— Давлатимиз қонуний давлат сари юз тутмоқда. Халқ манфаати йўлида ўнлаб қонун фармойишлар қабул қилинмоқда. Аммо уларга амал қилиш ҳам маҳаллий ҳокимият томонидан, ҳам фуқаролар томонидан қўйилмайдиган эмаслиги аччиқ ҳақиқатдир. Хўш, нима қилмоқ керак? Қонунларнинг амал қилиниши юзасидан назоратни кучайтирмоқ керакми ёки уларни ҳар икки тоифага чуқурроқ тушунтирмоқ зарурми? Қабул қилинган қатор қонунлар таъсирсизлиги сабабларининг таҳлили шунини кўрсатадики, уларни қўлчилик яхши тушунамайди ёки тушуниб, билиб туриб ҳам атайлаб ижро этмайди. Оқибатда ўша қонунлар қуруқ шорга айланиб қолаётир. Милиция участка вакиллари вакиллик вазифаси халқ осойишталигини таъминлаш билан бирга ана шу қонунларни аҳоли ўртасида тўғри ташвиқот қилишдан ҳам иборатдир.

Акмал РОЗИҚОВ, милиция майори, Топшент шаҳридаги Миробод ИИБнинг милиция участка вакили:



— Мен ҳамкасбим Абдуҳалиқнинг гапларини тўла маъқуллаган ҳолда мана шу давра суҳбатини ташкил этганларга ўз миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман. Чунки бу учрашув ҳар биримиз учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда ҳар биримиз ютуқ ва камчиликларимизни ўртага ташлаб, таъриба алмашдик. Бу тез орада ишимизда ўз таъсирини кўрсатади, деб ўйлайман.

Давра суҳбатини Сиддик СУЛАЙМОНОВ, Мурод ТИЛЛАЕВ оққа кўчиришди. Суратларни Ҳ. ШОДИЕВ олган.



— Тўғри, аммо бу ишларни биргина милициянинг кучи билан бажариш амри маҳол. Шунинг учун кейинги пайтда маҳалла кўмиталари фаолиятига катта эътибор берилаяпти. Бундан мақсад — аҳоли билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, миллий удувларга замонавий тус бериш, оилани мустаҳкамлаш, тарбиявий ишларни янада яхшилашдир. Биз участка вакиллари билан мақсадни ана шундай. Бизнинг участкамизда 59 минг киши яшайди. Саккиз нафар участка вакили, балоғат ёшига етмаганлар билан ишловчи уч нафар инспектор, уч нафар жиноят-қидирув, уч нафар ДАН ходимлари ана шу аҳолининг осойишталигини таъминлаш учун куну тун меҳнат қилишади. Бу ишларда бизларга 9-маҳалла кўмитаси раиси Аҳмаджон Каримов, 15-маҳалла раиси Собиржон Акрамов яқиндан ердан бераётдилар.

Ўткир УМАРОВ, милиция майори, Акмал Икромов тумани ИИБнинг участка вакили:



— Ҳаётда ҳеч ким онадан ёмон хулқли бўлиб туғилмайди. Ҳамма гап тарбияда. Бола тарбияни асосан ўз уйда — ота-онасидан олади. Айримлар эса бу иш билан асосан ўқитувчилар шугулланишлари керак, деган нотўғри хулосага келадилар. Ваҳоланки, бола мактабда куннинг маълум вақтидагина бўлади. Болога асосий жавобгар шахс — унинг ота-онаси.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари милиция участка вакиллари давра учрашуви иштирокчиларининг ўз ҳамкасбларига МУРОЖААТИ

Хурматли ҳамкасблар.

Хуқуқ-тартибот барқарор бўлган, давлатнинг, хўжалик тузилмалари ва барча фуқароларнинг манфаатлари хуқуққа қарши тажовузлардан ишончли ҳимоя қилинган шароитдагина мустақил Ўзбекистоннинг шаклланиши, туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг амалга оширишга эришиш мумкин.

Бунга эришиш ички ишлар идораларининг шахсий таркибидан, шу жумладан хизмат бурчига кўра аҳолига ҳаммадан яқин турувчи биз, участка вакиллари билан ҳам ўз кучларини тўлиқ сарфлашни тақозо этади. Фуқароларда милиция ҳақидаги тасаввур кўп жиҳатдан участка вакилининг шахси билан боғлиқ, кишилар айти унинг кундалик фаолиятига қараб ички ишлар идораларининг фаолияти ҳақида хулоса чиқарадилар.

Бизнинг хизмат кўпгина хайрли ишларни амалга оширган. Ўтган йили участка вакиллари иштирокида 16 мингдан ортиқ жиноят очилди, бу очилган жиноятлар умумий миқдорининг 50 фоиздан кўпрогини ташкил этади. 1550 жиноятчини қидиришда участка вакиллари қатнашди, улар томонидан хўжалик-иқтисодий фаолият соҳасида 2669 жиноят аниқланди. Фуқароларнинг 100 мингдан ортиқ шикаят ва аризалари кўриб чиқиши, қарийб 425 минг хуқуқ-тартибот бузувчининг аниқланиши ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, 42 мингдан ортиқ жиноят қилишга мойил шахснинг профилактик ҳисобга киритиб қўйлиши — буларнинг ҳаммаси милиция участка вакиллари фаолиятига яққол мисол бўла олади.

Ходимларнинг кўпчилиги ўзларининг оғир хизматларига масъулият билан ёндошмоқда, унинг самарадорлигини ошириш йўллари топилган ҳаракат қилмоқда, ички ишлар идораларининг муносиб вакиллари бўлиб қолишмоқда.

Айтилганлардан энди бундан яхшироқ ишлаш мумкин эмас ва истисносиз барча участка вакиллари ўрнакка муносиб ходимларга айланганлар деган хулоса келиб

чиқадими? Ундай бўлса, нима учун жиноятчиларнинг ўсиши давом этмоқда? Ана шу ҳолатнинг ўзи хизматимиз фаолиятида аҳвол яхши эмаслигидан далолат беради. Муқаддам судланган, ишламаётган, жамоат жойларида маст ҳолатда юрадиган шахслар томонидан ҳануз кўп жиноятлар содир қилинмоқда.

Милиция амалда жамоатчиликнинг ёрдамини ҳис этмапти. Кўнгилли халқ дружиналари ўз фаолиятини тўхтатди, тартибни сақлаш жамоат пунктларининг кўплари ҳувиллаб қолди, меҳнат жамоаларидаги ўртоқлик судлари ва профилактика кенгашлари тегишли даражада иш олиб бормаяпти. Муқаддам судланган шахсларни ишга жойлаштириш масалалари қийинчилик билан ҳал қилинмоқда, ароқхўр ва гиёҳвандларни даволаш учун зарур шарт-шароит мавжуд эмас.

Бу аҳволни тузатишга ҳаракат қилмасдан туриб, объектив қийинчиликларни ваҳ қилиш орқали вазиятни оқлашга ҳаққимиз йўқ деб ҳисоблаймиз. Президент ва ҳукуматнинг барча шакллардаги жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган сиёсатини бор куч-ҳаракат билан қўллаб-қувватлаш зарур. Бошланишига ўз маъмурий участкаларимизда тартиб ўрнатишга, бу ерда бирорта ҳам хуқуқ-тартибот бузувчи шахс жазосиз қолмаслигини ҳис этадиган шароит барпо этишга ҳаракат қиламиз. Энг яхши ходимларнинг тажрибаси бунга эришиш мумкинлигидан далолат бермоқда.

Нихоят хуқуқ-тартибот бузишларнинг олдини олишда милицияга ёрдам бера оладиган жамоатчилик тузилмаларини тиклаш пайти келди. Бунда кўп нарса участка вакилининг обрўсига, ташаббускорлиги ва амалий сифатларига боғлиқ. Ҳамма жойда барпо этиладиган милиция участкалари ички ишлар идоралари билан жамоатчиликнинг куч-ҳаракатларини жамлашга имкон яратади, уларнинг иш тажрибасига эса эгамиз.

Касб даражасини оширишга катта эътибор берилиши

керак, зеро биз хуқуқий кўринишдаги гоёта турли-туман масалалар билан тўқнаш келамиз, буларни эса ўз вақтида ва тўғри ҳал этишимиз даркор. Хуқуқий жиҳатдан қанчалик саводли бўлишимизга нафақат фаолиятимизнинг самарадорлиги, балки қонунийлиги ҳам боғлиқдир. Қонунчилик мунтазам такомиллашиб бораётган шароитда фақат амалий кўникмаларга ва шаклланган андозаларга кўз тўтиб бўлмайди.

Биз долзарб муаммоларни муҳокама қилиш учун давра суҳбатига йиғилиб, сиз — ҳамкасбларимизга энг яхшиларнинг тажрибасини қўллаган, оқсоқоллар, маҳалла кўмиталари, халқ депутатлари қишлоқ Кенгашларининг фаоллари обрў-эътиборига таянган ҳолда ўз ишингизни барча чоралар билан такомиллаштиришга даъват этиб, муурожаат қилишга қарор қилдик.

Эргаш АШИРБОВ, милиция майори, Тошкентдаги Ҳамза тумани ИИБ участка вакили; Абдурашид ЖАКАЕВ, милиция капитани, Тошкент вилоятидаги Урта Чирчиқ тумани ИИБ катта участка вакили; Раҳимжон ЗАРИПОВ, милиция майори, Тошкент вилоятидаги Оққўрғон тумани ИИБ катта участка вакили; Ҳусанбой МУҚИМОВ, милиция лейтенанти, Жиззах вилоятидаги Ғаллаорол тумани ИИБ участка вакили; Жўра НАСИПОВ, милиция майори, Тошкент вилоятидаги Янгийўл шаҳар ИИБ катта участка вакили; Акмал РОЗИҚОВ, милиция майори, Тошкентдаги Миробод тумани ИИБ участка вакили; Носир САИДАЗИМОВ, милиция майори, Тошкент вилоятидаги Қўрай тумани ИИБ катта участка вакили; Абдухалиқ ТУРСУНОВ, милиция лейтенанти, Сирдарё вилоятидаги Гулистон шаҳар ИИБ участка вакили; Уткир УМАРОВ, милиция майори, Тошкентдаги А. Икромов тумани ИИБ участка вакили; Ғулмуҳаммад ХУДОЕВ, милиция майори, Бухородаги Тўқимачилик тумани ИИБ милиция участкасининг бошлиғи; Ҳожимурод ХУРСАНДОВ, милиция майори, Самарқанд вилоятидаги Самарқанд тумани ИИБ участка вакили; Ғофур ЙЎЛДОШЕВ, милиция майори, Фарғона ИИБ милиция участкасининг бошлиғи.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

У ДОИМ ҚИЙИН БЎЛАДИ, АММО ВИЗАЛАР ВА РЎЙХАТДАН ЎТҚАЗИШ БОШҚАРМАСИ УНИ ДАДИЛ ҚЎЙДИ

Мен гувоҳи бўлган телефон суҳбати бир қадар баланд овозда бормоқда эди.

— Сиз бизнинг аҳволимизни тушунишингиз керак, компьютерлар, факслар, замонавий узатиш ва кўпайтириш техникасиз бугунги кунда ҳеч нарсага эриша олмайсиз, хизматимизни ҳам оёққа тургаза олмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ВРБ (Визалар ва рўйхатдан ўтказиш бошқармаси) бошлиғи милиция полковниги Ғ. Йўлдошевнинг ташвиши чехрасидан у билан телефонда гаплашаётган киши учун бундан ҳам салмоқлироқ исбот-далиллар зарурлиги сезилиб турарди. Бизнинг суҳбатимиз ҳам исбот-далилларга тўла бўлди.

— Агар янглишмасам, ВРБ вазирлигининг энг навиқорон бошқармаси ҳисобланади, — деб суҳбатни бошлади Ғ. Йўлдошев. — У Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил сентябрда қабул қилган қарори асосида ташкил топди. Ҳа ҳарорнинг биричи бандида аввалги бўлими ўрнида тўлақонли бошқарма барпо этиш белгилаб қўйилди. Бу қарор ўз-ўзидан келиб чиққани йўқ, албатта, балки катта тайёргарлик ишининг натижаси бўлди. Зеро, ҳеч ким учун сир эмаски, республика мустақилликка эришган ҳозирги кунда турли сабаб ва мақсадлар билан Ўзбекистондан хорижга бораётган фуқароларнинг, шунингдек республикамизга келаётган чет эл фуқароларининг оқими анча кучайди. Шунини айтиш кифоя қиладики, кейинги уч йил ичидагина келиб-кейтишларнинг умумий миқдори уч хисса кўпайди, ўтган йили хизматимиз ходимлари томонидан республикадан чиқиб кетишларга доир 30 мингдан ортиқ илтимоснома қараб чиқилди ва келишга доир 23 мингдан кўпроқ хужжат расмийлаштирилди.

Табиийки, мавжуд кучлар билан (бу соҳада илгари салкам 80 киши ишларди) бундай ҳажмдаги ишларни бажариб бўлмас эди. Хизматимиз кайтадан ташкил этилганлиги сабабли бугунги кунда марказий идорага ҳам, ВРБ бўлимлари барпо этилган вилоят ИИБларига ҳам қўшимча штатлар берилди. Бундан ташқари, барча аэропортларда ва йирик темирйўл шохбекатларида хизматимиз бўлиналарини шакллантириш кўзда тутилган, бу эса келаётган хорижлик фуқароларни янада пухтароқ ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек уларнинг республикамиз ҳудудида бўлишлари устидан назоратни амалга ошириш имконини беради ва хозирданок имкон бермоқда.

Шунини айтиш лозимки, дастлабки қадамларданок бир талай муаммоларни ҳал этишга тўғри келмоқда. Булар ичида энг муҳими, менимча, хизматимиз фаолиятининг хуқуқий жиҳатларини таъминлайдиган зарур қонунчилик базасининг йўқлигидир. Биз ҳозиргача собиқ СССР қонунларининг кўпгина бандларидан

фойдаланиб келмоқдамиз. Ҳаракатдан баракат бўлишини тушуниб, ўзимиз кўпинча қонун ҳужжатларини шакллантириш, ишлаб чиқариш ва муҳокама қилишда фаол ташаббус кўрсатаёلمиз. Республика янги Конституцияси, ҳамда лойиҳасида бизнинг тақлифларимиз ҳам инобатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши ишимизни анча енгиллаштирди. Яқин вақт ичида яна иккита жуда муҳим республика қонуни Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳамда чет эллик фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги хуқуқий аҳволи тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши керак, уларнинг лойиҳалари хусусида тегишли вазирлик ва идоралар билан аллақачон келишиб бўлинди. Буларнинг ҳаммаси учун маълум вақт керак, лекин биз қонуларсиз ишлаб олмаймиз ва шу сабабли ҳозир чет эллик фуқароларнинг республикамизда бўлиши хусусида Вазирлар Маҳкамасининг юқорида эслатилган, ўзимиз ишлаб чиққан ва тасдиқлаган муваққат қоидалари асосида иш олиб бораёلمиз.

Уларда республикага чет эллик фуқароларнинг келиши ва кетиш тартиби, республикага вақтинчаликка келувчи чет элликларга яшаш хуқуқини берувчи хужжатни расмийлаштириш, уларга доимий яшаш учун ижозат ва истиқомат қилиш гувоҳномасини бериш, уларнинг республика ҳудудида кўчиб юриш ва истиқомат қилиш жойини танлашга ижозат бериш, шунингдек ана шу қоидаларни бузганлик учун чет эллик фуқароларни жавобгарликка тортиш, бу ерда бўлиш муддатларини ва республикадан чиқариб юбориш тартиби белгилаб қўйилган.

Қисқаси, ўзига хос қонунчилик негизини аста-секин ва собитқадамлик билан тайёрлаёلمиз, у, ишончим комилки, яқин вақт ичида узил-кесил мустақкам шакл касб этади ва хизматимиз ходимларига ўз вазифаларини аниқ-пухта бажариш имконини беради.

— Сизлар бартараф этишга тўғри келаётган муаммолар фақат қонунчилик доираси билан боғлиқ бўлмас керак?

— Улар бир талай. Агар содда қилиб тушунтирадиган бўлсам, республика ИИБ Визалар ва рўйхатдан ўтказишлар бошқармасининг фаолияти бешта асосий йўналишга асосланади. Булар — республикага келиш ва ундан чиқиб кетишлар тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш,

келаётган чет эллик фуқароларни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, сайёҳлик амалиятининг муайян хуқуқий нормаларига амал қилинишини таъминлаш, фуқаролик билан боғлиқ масалалар доирасини ҳал этиш ва чет эллик фуқароларнинг республика ҳудудида бўлиш ва ҳаракат қилиш тартиби устидан назоратни амалга ошириш.

Бу йўналишларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, муаммоларга эга. Масалан, туризмни олайлик. Ўтган йил давомида сайёҳлик сафранларига доир 104 мингта материал қараб чиқилди. Фуқароларимизнинг хорижга турист сифатида чиқишининг ўсганини ва аксинча, Ўзбекистонга келувчи хорижлик сайёҳлар оқимининг бир қадар камайганлигини таъкидлаш зарур. Мен бежиз айти «турист сифатида» деб айтаётганим йўқ, зеро юрtdошларимиз кўп мамлакатлар чегараларини уларнинг диққатга сазовор обидаларини кўриш мақсадида эмас, балки соф тижорат, аниқроқ қилиб айтганда, чайқовчилик мақсадларини кўзлаб босиб ўтаётганликлари ҳам ҳеч сир эмас. Хуқуқ-тартиботни бузиш ва очикдан-очик суиистеъмол қилишлар жуда кўп юз бермоқда, кишилар хорижга бориш учун ҳар қандай, кўпинча мавжуд қонунларни эътиборга олмаслик билан боғлиқ йўллардан фойдаланишмоқда. Ҳорижга чиқиш хусусида Ўзбекистонда асосланган рад жавобини олғач, барча қоидаларга чап бериб собиқ Иттифокнинг бошқа республикаларида, хусусан Ажария, Қирғизистонда, айниқса Жалолобод вилоятида рухсатнома ундирмоқдалар. Сунгра эса улар анча нохуш дақиқаларни бошдан кечирмоқда, зеро эркин сафарда харид қилинган барча нарсалар чегарада мусодара қилинади. Бундай хуқуқ-тартибот бузишларга бор кучимиз билан қарши туришга ҳаракат қилмоқдамиз, чунки улар мустақил республикамизнинг ички ишларига очикдан-очик аралаштирди.

Республикада беш йил муддатта бериладиган, барча халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона паспортнинг жорий этилиши вазиятни барқарорлаштиришга имкон яратади. Шу йилнинг иккинчи ярминданок Ўзбекистон фуқаролари паспортни алмаштириш бошланади. Истикболда эса бошқармаимиз бўлимлари паспорт хизмати билан бирлаштирилади.

— Россия Федерацияда ВРБ хизмати умуман ИИБдан ажратилган. Бу хусусда нима дея оласиз?

— Менинг назаримда, бу анча бевақт ва ўйланмасдан қилинган иш.

Жаҳон амалиети — зеро аксар мамлакатларда бизга ўхшаш хизматлар ИИБ тизимига қиради — бунга далил. Биз ИИБ ахборот марказининг маълумотларидан фойдаланиб, ички ишлар идораларининг баъзи хизматлари билан тигиз ҳамкорликда ишлаётимиз. Маблағ ва воситаларимизни алоҳида маҳкамани ташкил этишга сарфлашга тўғри келишини бир тасаввур қилинг — ортиқча бугун йўл қўйиб бўлмайдиган, бунинг устига ўзини оқламайдиган исрофгарчиликдир. Биз бир қадар бошқача йўлдан бордик. Миллий вазифасиз хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги ва ИИБдаги бошқармаимизда тилга олинган идоралар ўзаро ҳамкорлигининг барча жиҳатларини мувофиқлаштириладиган кичик бўлима ишлаб турибди, бу ҳар қандай майда-чуйда нарсаларни ҳам эътибордан соқит қилмаслик, бир-биримиздан республика ҳудудида чет эллик фуқароларнинг бўлиши хусусида ўз вақтида ва батафсил ахборот олиш имконини беради. ИИБ таркибида махсус эмиграция хизматини ташкил этиш тўғрисида эса ўйлаб кўра бўлади.

— Шу йил январда баъзи бир қонун ҳужжатларига, шу жумладан республика Жиноят Мажмуасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу нарса сизларнинг фаолиятингизга дахлдор бўладими?

— Гоётда бевосита дахлдор. Чунонки, 198-моддага кўра, республика фуқароларининг чет элга чиқиш учун хужжатларни расмийлаштириш тартибининг қасдан бузиши башарти худди шу ҳатти-ҳаракатлар содир этганлик учун маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил давомида такрор содир қилинган бўлса, бундай кишилар икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш эки энг кам ойлик иш ҳақининг 25 хиссаси миқдорида жарима тўлатиш билан жазоланишлари мумкин. Илгари амалда бўлган моддада 50 сўмлик жарима кўзда тутилган эди.

198-моддага кўра чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва унинг ҳудудидан ўтиш қоидалари қасдан бузилиши, агар бундай шахслар илгари ана шу қоидаларни бузганликлари учун йил давомида маъмурий жазога тортилган бўлсалар, бир йилдан уч йилга қадар озодликдан маҳрум этиш билан жазоланидилар.

Шак-шубҳасиз, вақтида кўпайиб қолган бу хил хуқуқ-тартибот бу-

зишларга қарши чораларни қаттиқлаштириш ўзининг ижобий ролини ўйнаши керак. Давлат мустақиллиги тўғрисида сўз юртарканмиз, биринчи навбатда чет эл фуқароларининг республика ҳудудида бўлишларини, юртдошларимизнинг хорижга боришларини муфассал тартибга солиш ҳақида гапхўрлик ва улар томонидан ҳар қандай хуқуқ-тартибот бузилишларининг олдини олишни таъминлашга мажбурлик ва улар нарса бошқармаимиз ходимларининг асосий вазифасидир.

— Унда ҳозир кимлар ишламоқда?

— Яна бир мушкул масала. Бирорта ҳам ўқув юрти бизнинг йўналишда мутахассислар тайёрлаш билан шугулланмайди. Шунинг учун боришга шукор қиламиз. Қадрларни танлашга талабчанлик билан, етти ўлаб ва истиқболни кўзлаб ёндошмоқдамиз. Ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, энг тажрибали ходимларимиз республика ИИБ Олий мактабида ўқувчилар таркиби учун визалар ва рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича маърузаларнинг доимий курсини ўқий бошладилар. Шу йилдан бошлаб мактаб раҳбарияти билан тингловчиларнинг икки гуруҳини шакллантириш тўғрисида шартнома имзоланди. Тингловчилар бўлиналаримизда хизмат амалиятини ўтайдилар ва аста-секин бизнинг ихтисос бўйича малака орттира борадилар. Бизга эса турли хил, айниқса компьютер техникасини мукамал эгаллаган мутахассислар жуда ҳам зарур.

— Телефондаги суҳбатингизга қараганда, улар танқис экан, шекилли?

— Вазирлик раҳбарияти хизматини сифатли техника воситалари билан жиҳозлаш учун кўп иш қилмоқда, ишончим комилки, яқин вақт ичида ишимиз, айта оламаники, жаҳон даражасига чиқади. Ҳозирги мақсадимиз — барча ҳудудий бўлиналарни кенг миқёсли маълумотлар мажмуунага эга бўлган ягона ахборот тармоғига бирлаштиришдир. Шунинг ўзиек бир талай муаммоларни ҳал этади.

Ўзбекистон бугунги кунда юртимизга хайрли ниятлар билан келаётган меҳмонлар учун очик, фуқароларимизда хорижий мамлакатларга сафар қилиш, ўша ерларда яшовчи кишилар билан дўстона, ўзаро фойдали алоқаларни мустақкамлаш учун катта имкониятлар пайдо бўлди. Агар бу жараён узвий, амалдаги қонунларни бузишларсиз ривожланса, бу — ҳаммамиз учун беҳудликдир.

А. ВОРГУДЯЕВ суҳбатлашди.

ДУШАНБА

**8 МАРТ
ХАЛҚАРО
ХОТИН-ҚИЗЛАР
КУНИ
ЎзТВ I**

7.00 "Ўзбекистон". 7.30 Фильм-концерт. 8.00 "Садоқат". Бадий фильм. (Хиндистон). 10.45 "Нишона". 11.25 Ўзбекистон халқ артисти О. Ҳайитова куйлайди. 12.10 Болалар учун фильм.

18.00 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгиракча"

19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 Телефильм. 19.40 "Истиклолим - истикболим". 20.00 "Ёшлар хиром айлаганда...". "Ўзбектеlevision" премьераси. 20.30 "Ўзбекистон". 21.00 "Аёл гўзаллиги оламни безар". Адабий-мусликий кўрсатув. 22.30 "Мафтунингман". Бадий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Совга". 20.00 "Ҳамал". 20.15 "Фақат қизлар учун". 21.15 "Ўзингни эр билсанг". 22.00 "Онажонлар, ассалом!". 22.50 "Аёллар". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

8.05 "Яқунлар". 8.50 Эрталабки гимнастика. 9.00 "Шеърят альбоми". 9.20 Мультфильм. 9.30 "Золушка хузурда зиёфатда". 10.30 "Исмингиз нимани англатади?" Дам олиш кўрсатуви. 11.45 "Янги авлод танлайди". 12.35 "Москва кўз-ёшларга ишонмайди". Бадий фильм.

15.00 Янгиликлар. 15.35 "Шундай аёллар бўлмаган...".

16.00 "Иқболи кулганда". 16.45 Мультфильм. 17.15 "Матадор". 18.05 "Театр учрашувлари". 18.50 "Уч инсон қалби". Бадий фильм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 "Мени елгиз қолдирма, муҳаббат". 22.50 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништилади; 23.05 "Бомонд". 23.25 "Джем-сейшн". Танафбус пайтида (24.00). — Янгиликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 "Рост" студияси. 8.50 "Мультоткретка". 9.05 "Қизил елканлар". Бадий фильм. 10.30 "Энг чиройлиси Россиядан...". 12.00 "Эркактарни асранг". Бадий фильм. 13.15 "Кўздан гойиб бўлаётган манзара". 14.05 "Кабаре гўзаллари". 14.35 "Мульти-пульти". 14.45 "Бабе лето" ансамбли. 15.25 Спорт кўрсатуви. 15.30 "Твердаги ковокхона". 16.35 "К-2" таништилади: "Халқ фраки". 17.25 "Маскарад-салат".

*

18.00 — 22.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 "Уруш". Бадий фильм. (АҚШ). 23.25 "Ксюша хузурда". 24.00 "Париж диалоглари". 00.20 Пласидо Доминго ва Хулио Иглесиас "Испанча фантазиялар" кўрсатувида.



СЕШАНБА

9 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 Фильм-концерт. 8.05 "Ўйга қайтди". Бадий фильм. 9.35 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.05 Телефильмлар. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. 11.00 Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 "Кўнгирчоқлар — менинг дўстларим". 18.55 "Спортлото". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Ижод саҳифалари". 19.50 Мусикали дақиқалар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 Ҳукумат тадбирлари. 20.30 "Ўзбекистон". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Муносабат". 21.30 "Сурнай навоси". Видеофильм премьераси. 22.00 "Эрта келган турналар". Бадий фильм. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". 19.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестри ижро этади. 20.00 "Алоқалар ва шартномалар". 20.30 "Эсдалик учун дастхат". 21.30 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 9.40 "Оддий Мария". Бадий фильм. 10.30 "Гол". 10.50 Мультфильм. 11.00 Етим болалар ва ногиронлар учун хайрия концерти. 12.00 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 Ишбилармонлар хабарномаси. 15.40 "Ён дафтар". 15.45 Телекўрсатувлар X ёшлар фестивалининг совриндорлари: "Уни асра, Биби Марьям" (Арманистон). "Ёл узра шамол" (Беларусь). 16.20 Мультфильм. 17.00 "Қизлар орасидаги сир". 17.20 "440 герц". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали таништилади. 18.50 Мулкдор алифбоси. 19.05 "Оддий Мария". Бадий фильм. 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 1993 йил кўшиқлари. 22.25 "Гол". 22.45 "Пен-клуб". 23.45 "Миниатюра". 24.00 Янгиликлар. 00.40 "Талаб қилинган кино".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври 8.55 Кинонигоҳ. 9.35 Ишдан бўш пайтингизда. 9.50 "Ку-

зирхоним". 10.20 XX аср кадрда ва кадр ортида. 11.20 "Музбиржа". 11.50 "Эллик учинчи йилнинг совуқ ёзи". Бадий фильм. 13.30 "Дехқонларга таалуқли масала". 13.55 Телетекст. 14.45 "Кечки салон" саҳифаларида. 16.15 Телебиржа. 16.45 Янгиликлар. 17.00 "Фигурачиларнинг Прага баҳори". 17.30 "Олтин новда".

*

18.00—22.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 "Бор-йўги 17 соат... ва Мексика". 22.55 "Кичик давра учун". 23.40 Спорт кўрсатуви. 23.45 Криминал хабарлар экрани. 23.55 "Мен сизни севаман".

ЧОРШАНБА

10 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 "Сени излайман". Бадий фильм. 8.05 Дунё хабарлари. 8.15 "Демидовлар". Бадий фильм 1-серия. 9.30 Турк тили. 10.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 "Ёшлик" студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 "Футбол майдонларида". 18.40 "Янгилиниш йўлидан". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Аёл кадр". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "ТИКО" — милиция хизматида. 20.30 "Ўзбекистон". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Барҳаёт наволар". К. Отаниёзов. 22.20 "Кавказ асираси". Бадий фильм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Мусикали меҳмонхона". 19.10 "Спринт". 19.30 "Рақслар, рақслар". 20.20 "Болалар — бизнинг келажакимиз". 21.05 Давлат автоинспекцияси ходимлари билан бевосита мулоқот. 22.05 "Баҳор". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг".

9.00 Янгиликлар. 9.20 "Кидди-Видди". 9.35 Мультфильм. 9.45 "Оддий Мария". Бадий фильм. 10.30 "440 герц". 11.10 А. Кончаловскийнинг "Яқин давра" фильми ҳақида кўрсатуви. 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгиликлар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.20 "Оддий мўъжиза". Бадий фильм. 14.40 Мультфильм. 14.50 Телефильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20

"Телемикст". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 Мультфильм. 16.50 "Муз автодуэль". 17.20 "Клуб-700". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали таништилади. 18.50 Мультфильм. 19.00 "Оддий Мария". Бадий фильм. 19.45 "Миниатюра". 20.00 "Бўлмагур гап". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 "Тинч қабристон". Бадий фильм. 23.10 "Мастер, Маргарита". Испан тилидан эркин таржима. 23.20 "Матбуот-экспресс". 23.30 "Овозли йўлка". 24.00 Янгиликлар. 00.40 "L — клуб".

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 10 март куни "Дубль IV" кўрсатувлари соат 14.45 дан бошлаб намоиш этилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.45 "Монолог". Бадий фильм. 16.25 "Рост" студияси. 16.55 Христианлар учун кўрсатув. 17.25 "Услуб".

*

18.00—22.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.40 "Осойишталик 9". 23.40 "Ин Флагранти". Бадий фильм (Польша).

ПАЙШАНБА

11 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 Телефильм. 7.45 "Демидовлар". Бадий фильм. 2-серия. 9.00 Дунё хабарлари. 9.10 Араб тили. 9.40 Фильм-концерт. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 11.30 "Турунг".

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.30 "Табиат алифбоси". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Экран таништилади". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Баҳор юмушлари". 20.30 "Ўзбекистон". 20.55 Эълонлар. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 Т. Муродов куйлайди. 22.40 "Малина вноси". Бадий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Халқ манфаати йўлида". Бевосита мулоқот. 19.30 "Табассум". 20.00 "Пульс". 20.15 "Буоқшомда". 21.30 "Пульс". 21.45 "Билим сарчашмалари". 22.25 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.25 Мультфильм. 9.55 "Оддий Мария". Бадий фильм. 10.40 "Джем". 11.0 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс 12.20 "Юрак етишмовчилиги". Бадий фильм. 13.45 "Фақат Мюзик-холлда". Бадий фильм.

14.50 Мультфильм. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.20 "Телемикст". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 Матвий Блантер кўшиқлари. 16.40 Мультфильм. 17.30 "Джем". 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 19.05 "Оддий Мария". Бадий фильм. 19.50 "Театр можароси". 2-қисм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 "Муҳаббат ва кабутарлар". Бадий фильм. 23.15 Матбуот-экспресс. 23.25 Фигураларни ўқиш. Жаҳон чемпионати. Чехиядан кўрсатилади. Танафбус пайтида (24.00) — Янгиликлар. 01.10 Футбол.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Мусика йирик планда. 9.55 "Услуб". 10.25 "Бола тилидан...". 11.05 "Осойишталик 9". 12.05 "Санта Барбара". Бадий телефильм. 142-серия. 12.55 "Пилигрим". 13.40 "Дехқонларга таалуқли масала". 14.30 Телеспектакль. 16.10 Янгиликлар. 16.25 "Мушуклар — овуноқларимиз". 16.40 Трансросэфир. 17.25 Халқаро кўрсатув.

*

18.00—22.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 "Асил ҳолича". 23.20 Буржлар туркумидан. 00.15 Спорт кўрсатуви. 00.20 "Васильевская кўчаси 13-уйда озодлик".

ЖУМА

12 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.25 "Офицерлар. Бадий фильм. 8.55 Дунё хабарлари. 9.05 Инглиз тили. 9.35 Фильм-концерт. 10.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. 11.00 "Меҳр қолур, муҳаббат қолур".

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 "Газалхон ёшлигим". 19.00 "Ўзбекистон" (рус). 19.20 "Мустақиллик иқтисодиёти". 19.50 Мусикий дақиқалар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Билиб қўйган яхши". 20.30 "Ўзбекистон". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Истиклол ва маънавият". 21.30 "Булоқлар кўз очганда". 22.30 "Мимино". Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 Мультфильм. 18.15 "Бакем, Эжем жана биз". 18.30 "Энергетика программаси. 19.00 Хабарлар. 19.15 "Жоокер". 19.45 "Ден соолук". 20.15 Криминал хабарлар. 20.25 "Тянь—Шанда эки кун". 21.00 Хабарлар. 21.15 "Хайрли кеч, Бишкек".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгиликлар. 9.20 "Зазеркалье". "Еттинчи жип". Бадий фильм (Ўзбекфильм). 10.40 Телефильм. 11.00 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.50

«Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12.20 «Версия». Фильм-спектакль. 15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Зазеркалье». Еттинчи жин». Телевизион бадий фильм. 17.30 Халқ куйлари. 17.50 «Иш». 18.00 Янгиликлар. (сурдо таржимаси билан). 18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. 18.40 «Инсон ва қонун». 19.15 «Вагон-03». 19.45 «Мўъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Ҳафтанинг машхур кишиси». 21.35 «Сўнгги автопортрет». Бадий фильм. 22.50 М. Годенконинг хотира кечаси. 24.00 Янгиликлар. «ВИД» ТАНИШТИРАДИ: 00.40 «Музобоз». 01.25 «Обоз» майдончаси. 02.25 «Матбуот-экспресс».

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Кичик Европадан репортажлар». 9.25 Ишдан бўш пайтингизда. 9.40 «Асил ҳолича». 10.35 «Хайвонот оламида». 11.30 Мульти-пульти. 11.40 «Параллеллар». 11.55 «Санта-Барбара». Бадий телефильм. 143-серия. 12.45 Буржлар туркумидан. 13.40 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.05 «Ижица». 14.35 «Тбилиси-80» рок-фестивали». 15.30 Телетекст. 15.35 «Телебиржа». 16.05 Янгиликлар. 16.20 «Рост» студияси. 16.50 Трансросэфир. 17.20 «Жаноблар—ўртоқлар». 17.35 Парламент хабарномаси. 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—18.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 Жума кунлари Дисней. 19.15 «Хар бир кун байрам». 19.25 Хурофий одатсиз. 20.20 Ноличи вариант. Бадий фильм. 21.45 Мультифильм.

21.55—24.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ШАНБА

13 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас — мумкин». Бадий фильм. 9.25 Ёш спортчилар мактаби: 1. «Шохрух» клуби. 2. Миллий кураш сабоқлари. 10.15 «Саноатимиз одимлари». 10.45 «Алифбо сабоқлари». 11.15 «Мурувват». 11.45 «Чароғбонлар». Маннон Уйгур номидаги санъат институти битирувчиларининг диплом спектакли. 13.00 «Мактаб ва ҳаёт». 13.40 «Ёшлик ёғдуси».

18.00 Мультифильмлар. 18.30 «Санъат гунчалари». 19.00 «Ўзбекистон» (рус). 19.20 «Одобнома». 19.50 «Наврўз» тараддуи. 20.30 «Туркистон» 21.00 «Сулота». Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров. 22.20 «Маҳобҳорат». Бадий видеофильм 7-серия. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II 17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ «ОРБИТА IV»

6.50 «Эрталабки гимнастика. 7.00 «Матбуот-экспресс». 7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгиликлар. 8.35 «Спорт-имконият». 9.05 «Марафон-15» — кичкинтойларга. 9.30 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 10.00 Шанба кунги дастхат. 10.30 Тиббиёт сиз учун. 11.10 Хужжатли фильм. 12.10 «Ишқий ёзишлар» ёки «Соня билан Америка томон саёҳат». 2-кўрсатуви. 12.35 Телефильм. 13.00 «Марафон-15» 13.50 Фигуралар учиш. Жаҳон чемпионати. Чехиядан кўрсатилади. 14.40 «Кино асри» рукни таништиради. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Марказий экспресс». 15.50 Мультифильмлар. 16.15 «Ультраси». 17.15 «Қизил квадрат». 17.55 «Сергей Михалков. Мен қандай қилиб совет ёзувчиси бўлдим?». 18.35 «Хайвонот оламида». 19.15 «Оба-На-Угол-шоу». 19.45 «Ўлимнинг йигирма тўрт қароти». Бадий фильм. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Қиролик курсида». Бадий фильм. 5-серия. 22.25 «Матбуот-экспресс». 22.35 «Қойил». 23.50 Мультифильм («Ўзбекфильм»). 24.00 Янгиликлар. 00.40 «Юрак етишмовчилиги». Бадий фильм.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 8.45 Мульти-пульти. 8.55 «Формула-730». 9.25 «Рост» студияси. 9.55 Бурда моден тавсия этади... 10.25 «Пиляниклар». 10.55 Унутилган номлар. «Зинаида Гиппиус». 3-қисм. 11.25 «Ойижон». Бадий фильм.

12.50—16.30

«ЎЗБЕКИСТОН»

ХАЛҚАРО

ТЕЛЕКАНАЛИ

1. «Мусаввир устaxonасида». 2. Ф. Шопен ижодига бағишланган кўрсатуви. 3. «Рангинкамон». 4. «Безнен мирас». 5. «Тадбиркорлар».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.30 «Чегарасиз футбол». 17.30 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».

18.00—19.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 «Энг-ёқимли ва жозибатор аёл». Бадий фильм. 21.15 «Келинг, аниқлаб олайлик».

21.25—22.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Мутлақо махфий». 23.25 «Иван А.». Бадий фильм.

ЯҚШАНБА

14 МАРТ

ЎзТВ I

7.00 Телефильм. 7.25 Рақслар гулдастаси. 8.00 «Туркистон». 8.30 «Маҳобҳорат». 6-7 сериялар. 10.00 Ўзбекистон спорти. 10.20 «Биргаликда куйлаймиз». 10.55

«Нон — ризқ-рўзимиз». 11.25 «Истиклол ва адабиёт». 12.05 Цирк. 12.45 «Инсон ва замин». 13.45 Болалар учун фильм. 14.50 «Дашт фидойилари». 18.00 «Ўйла! Изла! Топ!». 19.00 «Ўзбекистон» (рус). 19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.30 «Муסיқа жавони». 20.20 Жаҳон спорти янгиликлари. 20.30 «Ўзбекистон» 21.00 «Дехқончилик ислоҳоти». 21.30 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадий фильм. 22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 Мультифильм. 18.15 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус). 19.00 Хабарлар. 19.15 «Манас ота». 21.15 Кино оқшоми.

«ОРБИТА IV»

6.25 «Рухни чиниктириш». 7.25 Эрталабки гимнастика. 7.40 «Спортлото» тиражи. 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Марказ». 9.00 Мультифильм. 9.30 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 10.00 «Тонг юлдузи». 10.50 «Мулкдор алифбоси». 11.00 «Харбий ревью». 11.40 «Ўлимга маҳкум этилганлар фитнеси». Бадий фильм. «КТВ-1» ва «Франс интернациональ» канали таништиради:

13.55 Мультифильм. 14.05 Хужжатли фильм.

15.00 Янгиликлар. 15.15 Мультифильмлар. 16.10 «Хунарли хор бўлмайди». 16.15 Телефильм. 17.05 Мультифильм. 17.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Панорама». 18.45 Янгиликлар. 19.00 «Саёҳатчилар клуби». 19.50 «Қойилмақом еттовлон». 20.50 «Театр мавсуми». Бадий фильм. 21.55 Эълонлар. 22.00 «Яқунлар». 22.50 «Марк Захаров серпантини». 24.00 Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 Баскетбол шарҳи. 8.50 «Сиз яратган бог». 9.20 «Рост» студияси. 9.50 Мультифильм. 10.05 «Ҳали англамаган коинот». 10.35 «Ати-бати...» 11.05 «Телекроссворд».

11.35 — 16.30

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО

ТЕЛЕКАНАЛИ

1. «Бурч» кўрсатуви. 2. «Умид» (уйгур тилида). 3. «Туркистон бир, Ватан бир». 4. «Чисен» (корейс тилида). 5. «Замандас» (қозоқ тилида). 6. «Шоир билан учрашув».

РОССИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.30 Диснейнинг сеҳрли олами. 17.20 «Киноанонс». 17.35 Парламент хабарномаси. 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00 — 22.30

ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 «Биродаҳларча муҳаббат». Бадий фильм (АҚШ). 00.15 «Ассорти». 00.45 «А» программаси. 01.15 «Ад либитум».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» дастуридан олинди).

«Тун» ЖИНОЯТЧИЛИК Фойдасига эмас...

Матбуотда кўп бор маълум қилингандек, Тошкент шаҳри миқёсида ИИБ томонидан «Тун» ва «Тўлқин» шартли номлари билан профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Булардан мақсад шаҳардаги жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши унумли курашиш ва фoш қилишда юқори натижаларга эришишдир.

Бу йўлда Ҳамза тумани ички ишлар бўлими ходимлари қандай фаоллик кўрсатмоқдалар?

Шу саволга жавоб олиш учун туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари милиция майори В.Покасовга мурожаат қилдим.

— Биз билан тунги рейдларда қатнашсангиз, ўз кўзингиз билан кўрасиз, — деди Владимир Прокопьевич, — шаҳар ички ишлар бошқармасида тақсим бўлади, сўнг шароитга қараб йўлга чиқамиз.

Милиция ходимлари тақсимга тайёргарлик кўришаётган эканлар, уларни кута бошладим. Шу пайт навбатчилик қисмига авиасозлар шаҳарчасидаги хонадонларнинг биридан мурда топилганлиги ҳақида хабар беришди. Ҳодиса юз берган жойга етиб бордик.

Хонадонда ҳеч қандай ўгрилик белгилари сезилмади. Экспертларнинг айтишларича бу киши мияга қон қуйилиб, ерга йиқилиши натижасида ҳалок бўлган. Жароҳат ҳам шундан олинган.

Экспертлар ҳодисани ўрганиш учун қолдилар, биз эса гуруҳ билан тақсимга йўл олдик.

Йўлда В. Покасов тумандаги оператив аҳвол тўғрисида гапириб берди. Бу ерда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ва муассасалар мавжуд. Авиация бирлашмаси, давлат мулки талончилари учун «олтин уч-бурчак» бўлган темирбетон маҳсулотлари заводи, ёғ-мой комбинати ва атир-упа фабрикалари шулар жумласидан. Бундан ташқари авиасозлар шаҳарчаси, «Галабанинг 40 йиллиги» даҳаси, Фаргона шоҳ йўлининг шарқий томонидан Кўйлик даҳаси ва Роҳат кўлигача бўлган худуд Ҳамза тумани чегараларига киради...

«Тун» тадбири тақсимини шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Худайбергенов ўтказди. Шаҳардаги оператив ҳолат тўғрисидаги қисқа ахборотдан сўнг, Қозогистоннинг Жамбул вилоятидан келган тартиб химоячилари вакиллари тадбирда қатнашишларини айтди. Чунки, бу тадбирларнинг ютуқлари ҳозирги кунда кўзга ташланиб қолган. У жиноятчиликнинг олдини олиш, иш натижаларининг юқорилиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда...

Тақсимдан сўнг патруль машинасида ўз туманимизга йўл олдик. Экипаж аъзолари тажрибали, ўз вазифаларини яхши тушунадиган йигитлар экан. Соат йигирма тўртгача ҳеч қандай тартиббузарлик сезилмади. Шаҳар уйкуга кетган. Фақат бир марга йўл

устида қаёққа боришини билмай турган бир мастга дуч келдик. У ҳам патруль машинани кўриб, дарҳол ўзига келақолди. Шаҳарда жимжитлик. Бу маъқул, фақат тартиббузарларни сезмай қолмасалар бўлгани. Ахир тинчлик ва қоронгулик жиноятчилик учун энг қулай пайт... Тунги соат иккиларда иккинчи машинада бошқа участкага кетаяпмиз. Машина аҳоли яшайдиган замонавий уйлар, маҳаллалар оралаб секин юриб борарди. Иззат кўчасидан, Мўйноқ кўчасига чиқдик. Темир йўлдан ўтишда экипаж командири М. Мустафаев қоронгулик қарида қандайдир кўланкани пайқаб қолди. Машина олдинга юра олмаслиги маълум бўлгандан кейин экипаж командири ва милиция сержанти М. Юсупов қоронгуликка шўнгидилар. Бир томонда давлат омборлари, иккинчи томонда эса тижорат фирмаси ва омбори.

Темир йўл олдида юк машиналари учун тўртта гилдирак топилди. Омборлар атрофи текширила бошланди. Тижорат тизимидаги омборларнинг ҳовлиси очик. Қоровул кўринмайди. Унинг уйчасига кирдик. Қоровул йигит маза қилиб уйқуни урапти. Аранг оёққа тургаздик. Омбор эшиклари ёпиқ. Йигитдан хужжат сўралганда ҳеч нима дея олмади. Текширилганда эса унинг чўнтақларидан катта миқдорда пул ва наркотик моддалар топилди. Тонг яқинлашмоқда. Навбатчилик тинч ўтаётгандек, лекин ҳамма вақт ҳам шундай эмас. Масалан, милиция сержантлари А.Абдуллаев ва М.Мустафаев экипажлари икки юздан ортиқ жиноятларни фoш қилишган. «Тун» тадбири ҳали ўтказилмаган пайтда ҳам улар тунги навбатчиликда жиноятчиларга қарши амалий иш кўрсатишган.

...Тунда Кўйлик даҳасидаги йўл четида турган «КамАЗ» автомашинасидан қурол-яроғ топилиши М. Мустафаев экипажининг вазифаларини аъло даражада бажаришганларидан дарак беради. Ёки бўлмаса ўғирлаб кетилган автобусни А. Абдуллаев экипажи санокли соатларда топиши оператив тарзда ишлаш қандай натижалар бериши мумкинлигини кўрсатади.

Ўтган тун бўйича энди бўлим маълумоти билан танишишим қолган эди, холос: еттига жиноят содир бўлиб, улардан бири тан жароҳати билан тамом бўлган ва жойида фoш қилинган. Олти хонадонда ўғирлик содир бўлган. Учтаси фoш қилинган ва яна учта жиноят милиция томонидан ўрганилмоқда.

Илҳом ЭШМАТОВ.

ШАРТНОМА АСОСИДА

Ички ишлар идораларининг кадрлари энди ана шундай тартибда бутланади

Шу йил январда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги Муваққат Низом тасдиқланди.

Ана шу ғоятда муҳим норматив ҳужжатнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва республика ҳукуматининг ички ишлар идоралари кадрларини бундан буён ҳам етук, ҳар томонлама тайёргарлик кўрган, республика ва халққа садоқатли, конституция тузумини ҳимоя қилишга қодир кишилар билан мустаҳкамлаш тўғрисидаги гамхўрликларининг ёрқин исботи бўлди.

Республика ички ишлар идоралари тезкор-хизмат вазибаларини кадрлар билан таъминлаш муаммолари Муваққат Низомни ишлаб чиқиш пайтида ҳисобга олинди ва унда ўз ифодасини топди. Асосий эътибор шахсий таркиб томонидан хизматни ўташ тартибини норматив асосда бошқаришни такомиллаштириш, кадрлар танлашнинг сифат даражасини ошириш имкониятларини ўрганиш, хизматда ўсишни рағбатлантириш, аттестациялаш чоғида ходимларнинг касб маҳоратларига холис баҳо берилишини, шунингдек оддий ходимлар ва бошлиқларнинг хизматда кўтарилиши ва хизматдан бўшатилиши пайтида қонунийликка амал қилинишини таъминлаш, ички ишлар идоралари ходимларининг ижтимоий ҳимояланшини кучайтириш масалаларига қаратилди.

Ҳозирги вақтда ушбу норматив ҳужжат диққат билан ўрганилмоқда. Унинг қондаларини рўёбга чиқаришга киришилганда эътибор асосий янгиликлар шахсий таркиб томонидан тўғри тушунилишига қаратилиши зарур.

Хуллас, энди, ички ишлар идоралари Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга кирган, лекин 30 ёшдан катта бўлган фуқаролари томонидан кўнгилли (шартномавий) асосда бутланади, бунда улар албатта конкурс танловидан ўтадилар. Улар асосан олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг битирувчилари, Қуролли Кучларнинг заҳирага бўшатишган ҳарбий хизматчилари бўлишлари керак ва ўз шахсий, ахлоқий, касбий хусусиятлари, характерлари, соғлиқлари, маълумот даражалари билан ички ишлар идоралари зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга қодир бўлишлари шарт.

Милициянинг саф бўлинмаларига бўйи 170 сантиметрдан кам бўлмаган эркеклар, 165 сантиметрдан кам бўлмаган хотин-қизлар қабул қилинади, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, режа-иқтисод, муҳандислик-техника ва тиббий бўлинмаларда ўрта ва катта бошлиқ лавозимларига хизматда бўлишнинг энг сўнгги ёшига (50 ёш) етганида хизмат қилган йиллари учун нафақага чиқиш ҳуқуқига эга бўла оладиган 35 ёшгача бўлган кишиларни қабул қилишга ижозат берилган.

Ички ишлар вазирлигининг олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида ўқишга 17 дан 23 ёшгача бўлган, ўрта маълумотли, хизматга кирувчи номзодларга қўйилган талабларга жавоб берадиган фуқаро ёшлар, ички ишлар идоралари ходимлари орасидан эса 25 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қабул қилинадилар.

Армия хизматига қақрилувчилар ички ишлар

идораларига хизмат қилишга қабул қилинмайдилар, ИИВ тизимидаги олийгоҳларга қабул қилиш бундан истиснодир.

Ҳозир ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими шахсий ҳулқ-атворда, тиришқоқлик ва меҳнатсеварликда ўрнатилган ташқари, у ёки бу лавозимни эгаллаш учун муайян касбий хислатларга эга бўлиши кераклиги тўғрисида тамомил адолатли фикр-мулоҳазаларни тез-тез эшитиш мумкин.

Амалиёт кўрсатишича, руҳият-шунослик ва тарбияшунослик маълумотларидан ижодий фойдаланилганда, кишиларни ўрганишдаги мавжуд усуллар ана шу фанларнинг тавсияларига асосланган усуллар билан оқилона тўлдирилган чоғда бўлгуси ходимларни танлашда хатолик камаяди. Номзоднинг қандай бўлинмада хизмат ўташини, ундан қандай йўналишдаги ишда фойдаланишни ва шунга мувофиқ хизмат вазифаларини бажаришга киришишдан олдин у ихтисослик бўйича қандай билимларга эга бўлишини янада аниқроқ белгилаш имконияти пайдо бўлади.

Хорижда полиция (милиция) хизматига номзодларни танлаб олиш учун ҳозирда руҳият-шунослик ва бошқа фанларнинг ютуқларидан ғоятда фаол фойдаланилмоқда. Мисол тариқасида бир қатор капиталистик мамлакатларда полицияга кирувчиларга қўйилган баъзи талабларни келтириб ўтиш мумкин.

АҚШда — жисмонан пухта ривожланганлик, ҳиссий, ахлоқий барқарорлик, кучли характер зарур.

Финляндияда барча номзодлар мажбурий тартибда зийраклик, эътиборчанлик ва воқеа-ҳодисаларга муносабат билдирувчанлик бўйича ўзига хос руҳий синовлардан ўтадилар. Шундан сўнг улар жисмоний тарбияга оид жиддий имтиҳон топширадилар.

Японияда — шу сингарий руҳий ва жисмоний имтиҳонлардан сўнг киши характерининг ўзига хос хусусиятлари синчиклаб ўрганилади.

Туркияда — буларнинг ҳаммасидан ташқари спиртли ичимликларга, қартабозликка ва киши қадр-қимматини ерга урувчи бошқа иллатларга мойиллик ҳам аниқланади.

Ҳаёт шахсий таркиб билан ишлашда замонавий илмга асосланган усул ва воситаларни — кенг ва холис ахборот, социологик тадқиқотлар, юз бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, прогнозлаш, руҳиятшунослик, тарбияшунослик ютуқларидан кенг фойдаланишни қатъият билан талаб қилмоқда.

Вазирликнинг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизмат қилиш хоҳишини билдирган фуқароларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асосланган равишда текшириш ва баҳолашнинг мавжуд тажрибасини диққат билан ўрганишда, шахсий таркиб билан ишлашнинг илғор шакли ва усулларини татбиқ этишга доир чоралар кўрилмоқдаки, улар мавжуд шакл ва усуллар билан биргаликда янги ходимларни танлаб олиш сифатини анча яхшилашга бўлур эди.

Ана шу мақсадда, Муваққат Низомда, номзодларни хизматга ижтимоий, тиббий мезонлар ва маълумот даражаси бўйича касбий жиҳатдан танлашни қўллаш кўзда тутилган. Республика ички ишлар идоралари таркибининг оддий ходимлари ва кичик бошлиқлари

конкурс синовларидан муваффақиятли ўтган кишилардан бутланади, бу ҳам шартнома шартларида кўзда тутилган.

Муваққат Низом томонидан оддий ходимлар ва кичик бошлиқлар таркибини бутлашнинг шартнома (контракт) нормаси жорий этилиши ана шу тоифага мансуб кишиларни хизматга танлаб олиш тартиботини ҳуқуқий ҳимоялаш ва демократиялашга ёрдам бериш керак. Бу эса шартнома тузувчи томонларнинг шартнома шартларидан келиб чиқадиган ўзаро масъулиятини оширади, бевосита бошлиқлар томонидан уларга бўйсунувчи ходимларга нисбатан нохолис бўлиш эҳтимолини бир қадар даражада камайтириш имконини беради ва пиروвардида ички ишлар идоралари ва бўлинмаларида кадрларнинг барқарор ўзагини яратиш учун негиз бўлиб хизмат қилади.

Шартнома ва унинг мазмуни қандай бўлиши керак? Ички ишлар идораларида хизмат қилиш ҳақидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги номидан ички ишлар тегишли идорасининг бошлиғи, республика ички ишлар вазирининг вакили томонидан тузилади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилиш юзасидаги шартнома бўйича фуқаро ўз зиммасига юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга мажбур, Ички ишлар вазирлиги эса унга барча турдаги таъминот, ҳуқуқ, имтиёзларни тақдим этишни таъминлаш ва амалдаги қонунлар ҳамда шартномада кўзда тутилганидек ички ишлар идораларидан хизмат қилиш шарт-шароитини яратиш мажбуриятини олади.

Шартномада томонлар ўз зиммаларига олган м а ж б у р и я т л а р и н и бажармаганликлари сабабли юз берадиган юридик оқибатлар акс эттирилади.

Шартноманинг шакли ва шартлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

ИИВ ходими ички ишлар идораларидан хизматда бўлишнинг нафақага чиқиш ёшига етгандагина ёки номатлуб сабаблар билан, шунингдек бошқа муассасасига ўтиш муносабати билан ана шу ташкилот, корхона ёки идорадан тегишли илтимоснома бўлган тақдирдаги бўшатилиши мумкин деб ҳисоблаб келинган.

Муваққат Низомда шахсий илтимос билан бўшаш ҳам кўзда тутилган, бунинг учун хизматдан кетмоқчи бўлган ходим икки ой олдин команда бўйича тегишли рапорт топшириши керак.

Тайинланган муайян лавозим талабларига ходимнинг касбий хислатлари мувофиқ келиш даражасини узил-кесил аниқлашда хатоларни ғоятда камайтириш, шунингдек унинг томонидан тезкор хизмат вазифалари муваффақиятли бажарилиши ҳамда ўзининг ўзига хос жиҳатларини чуқур ўрганиши учун янги ходим зарур амалий ва ташкилотчилик кўникмалари ҳосил этиши мақсадида Муваққат Низомда ички ишлар идораларида хизматда энди қабул қилинганлар уч ойдан то бир йилга қадр тайёргарлик ва лавозим даражаси бўйича синов мuddатини албатта ўтиш тартиботи белгиланган.

С. БЛИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТНХ бўлим бошлиғининг уринбосари, ички хизмат майори.

Яратган иқтидордан қисмаган

У барвақт шеър ёза бошлади. Унинг жўшқин болалик қалбида ҳали ўз ҳаётини милицияда ишлашга бағишлаш орзуси туғилмаган ҳам эди. Бир талай шеърлар ёзилди, лекин уларни тўплама шаклида нашр этишни ўйламади ҳам. Айтмоқчи, бунга ҳожат ҳам қолмади: икки юзга яқин шеър битилган иккита қалин дафтари йўқолиб қолди. Хизмат эса бутун куч-ғайратни сарфлашни талаб этади — ёзишга имкон ҳам қолмайди. Шундай бўлсада ўнлаб шеърлар ёзишга муваффақ бўлди. Улар маҳаллий рўзномада эълон қилинди, вилоят телевидениесининг адабий кўрсатувида ўқилди.

буйруқ имзоланган пайтда ҳалок бўлган. Менинг кулфатим шундаки, уни жон-жаҳдим билан қўмсайман. Телеграммани олдим. Раҳмат. Бугун 8 Март. Илгарилари бу байрамни жуда яхши кўрадим. Бугун менга ишхонамда гул совға қилишди, лекин энг ардоқли гулдастани олганим йўқ ва энди ҳеч қачон олмайман ҳам. Энди унга ўзим гул ҳадя қиляпман. Қабр устига қўйилган гуллар жуда қайғули кўринади... Ойномада босилгандан сўнг нотаниш дўстлардан хатлар ёғилиб кетди. Сизнинг шеър битилган мактубингизни яна олдим. Ўз танишларимга ўқиб бераман, бу

ШЕЪР ВА ХИЗМАТ БУРЧИ

Бир маҳал "Советская милиция" ойномасида жиноят-қидирув ходими бўлган эрдан жудо бўлган Шаповаловнинг мактубини ўқиб қолди, бу оилага бағишлаб шеър ёзди ва уни ойномага юборди. Таҳририят ходимлари шеърни Светланага — Донецк вилоятига юборишди. Шеърда шундай мисралар бор эди:

**Токи мен тирик эканман,
Сен яшайсан мангу...**

Бу мисралар бежиз ёзилмаган, жиноят-қидирув инспектори Шаповаловнинг ўз хизмат вазифасини бажараётган вақтда ҳалок бўлганидан буён орадан бир неча йил ўтди, лекин унинг рафиқаси ҳозир ҳам бевақф орадан кетган ёстиқдошининг хотирасини ардоқлаб келмоқда. Уни бундай қилмасликка, ўз ҳаётини янгидан қуришга даъват этиб, бунга ишонтиришга уринаётганлар оз эмас, лекин Светлана ўз ақидаларига, эрининг хотирасига содиқ бўлиб қолди.

"Советская милиция" ойномасининг 1991 йил 3-сонида эълон қилинган хатлар шарҳида шундай сатрлар бор эди: "Биз бугунги кунда нотиклик урчиб кетганлигига ва тилдаги тафовутларга қарамай, мусаффо қалбдан чиққан, аҳамиятга молик воқеа хусусидаги сўз ўзига йўл очини ҳамда бошқа қалбларда ҳамдардлик туйғусини уйғотиши тўғрисида ўйламаган ҳам эдик. "Кундалик саҳифалари" — Самарқанд ДАН ходими Сабриддин Зайниддинов ўз шеърини ана шундай номлаган. Уни "украиналик вафодор аёл ва унинг болалари" ўқий олиши учун муаллиф ўзининг шоир дўстидан шеърни ўзбекчадан рус тилига таржима этиб беришини илтимос қилган".

Шеърга жавобан Светлана хат ёзди. Ушандан бери улар мунозама равишда хат ёзишиб турадилар. Шаповалова янгирадан зиёд мактуб юборган. Уларнинг баъзиларидан кўчирмалар келтирмасдан тура олмайдим:

"Юборган посилкангизни олдик, бунинг учун жуда катта раҳмат. Қизалоқларим хурсанд. Сиз билан сиртдан бўлсада танишиш имконини бергани учун тақдиримдан миннатдорман. Табригингиздан ғоят таъсирландим. Олис Украинада, аслини олганда сизга нотаниш бўлган одам ўзини умуман ёлғиз ҳис этмаслиги учун қанча куч сарфлаёпис. Эримнинг туғилган кунда, у 16 февралда 31 ёшга тўлган буларди, катта қизим билан қабристонга бордим. Қор ёғиб турарди. Ота қабри устида бола тўкаётган кўз ёшларига қараш қанчалик азоб. Қабр ёнида турарканман, кичик қизим ҳақида ўйлардим: "Қачонлардир уни ҳам шу ерга олиб келаман ва менга доимо берилаётган: "Адам қанилар?" деган саволга жавоб бераман". Нимагадир, Висоқийнинг сатрини эсладим: "Капитан, сен ҳеч қачон майор бўлмайсан". Эрим, унга капитан унвонини бериш тўғрисидаги

шеърлар ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Ўзимни қўлга оляпман, бўшашмайман. Қизларим шунга мажбур этмоқдалар — улар худди адасининг ўзи. Ана шу оғир пайтда руҳиятимизни кўтаришга ҳаракат қилаётганингиз учун катта раҳмат. Деярли уч йил ўтди. У ваҳимали, узундан-узук йиллар. Лекин вақт ўз ишини қилмоқда. Энди аввалгидек милиция кийимини кийган буйдор эркекларни кўрганда юрагимни ҳовучламайман. Гарчи оғрик қолмаган бўлсада, кўника бошладим... Севимли киши ҳақида хотира билан яшашман". "Хат учун, айниқса шеърлар учун катта раҳмат. Шеърларингизда аёлга, ватанга, машаққатли ишингизга бўлган кучли меҳр-муҳаббат туйғуси бор. Бусиз шундай самийий сўзлар ёзилиши дарғумон эди..."

Сабриддин ҳарбий хизматни Олмонияда ўтади. Уйга қайтганидан сўнг уни йўлланма билан милицияга ишга юборишди. Ихтисослиги бўйича ҳайдовчи бўлгани сабабли ДАНда ишлаш бошлади. Йўл назорати инспектори, взвод катта инспектори, рота командирининг ўринбосари бўлиб хизмат қилди. 1989 йилда Самарқанд шаҳар ИИБ ДАН ротасига командир этиб тайинланди. Ҳамкасблари уни ҳақиқий профессионал, сезгир қалби киши деб билишди: у кишиларга сўз билан ҳам, иш билан ҳам ёрдамга кела олади.

Сабриддин мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўз қўли билан уй қуриб олишни орзу қилган эди. Лейтенантлик чоғида у йни қуришни бошлаб юборди, майор ҳам бўлибдики, иш тугай дея қолмайди.

У ўз оиласини, ишини, кўп бўлмасада, лекин қувончли кунларда ҳам, қайғули кунларда ҳам синашга бўлган дўстларини ардоқлайди. Бадиий асарлар ўқишни жуда яхши кўради. Бунда у оддий киши бўлсада ажойиб кутубхонага эга бўлган отасининг изидан борди. Кутубхона туфайли Сабриддин шеърини билан ошна бўлди. Ёшлигиданоқ Навоий, Хайём, Саъдий, Рудакийлар асарларини бош кўтармасдан мутолаа қилди. Отаси қуйлар басталар, ашула айтар, фильмларда ўйнар эди. Унинг хонадонда Комил Ерматов, Шухрат Аббосов, Ҳамза Умаров ва кионинг бошқа юлдузлари кўп маротаба меҳмон бўлишган. Катта Зайниддиновни бир пайтлар машҳур бўлган "Осиё устида бўрон", "Улуғбек юлдузи", "Фарзандлар", "Ленин йўлланмаси билан" ва бошқа фильмларнинг эпизодларида кўриш мумкин.

Адабий истеъдод соҳиби бўлган Сабриддин Зайниддинов эҳтимол, профессионал шоир бўлиб етишган буларди, лекин у ўзининг ҳаётини ҳеч қачон милициясиз тасаввур қилмаган. Қирқ ёшдан ошгандан сўнг касбни ўзгартиришга ҳам кеч бўларкан.

Н.НАБИЕВ.

"Абдурашид, сен билан бирга ёру биродарларинг, оиланг, болажонларинг, ҳамкасбларинг ҳам ҳаётингга зомин бўлганлар учун олий жазо тилайди. Тупроғинг енгил бўлсин, илоҳим".

(“Тупроғинг енгил бўлсин”. “Постда”, 1992 йил 20 май).

У атиги 34 баҳорни кўрган эди. Лекин мана шу қисқагина умр сарҳадларида ички ишлар бўлими ходими сифатида қаерда ишга йўллашмасин ҳалол ишлади, кийган формасини пок сақлашга интилди. У ҳамisha халқ орасида бўлиб, осойишталикни сақлашга, жонини гаровга кўйиб бўлса ҳам жиноятларнинг пайини қирқишга ҳаракат қиларди. Тадбиркорлиги, матонати туфайли кўп жиноятларнинг илдизига болта урди.

Минг афсуски бир кун келиб ўз хонадониди, оиласи ва фарзандлари кўзи олдида инсонийликдан мосуво бўлган ёвуз кимсалар кўксига тиг қадашларини милиция ходими Абдурашид Назаров билмаган эди. Ана шу тунги қотиллик нафақат унинг орзу-ўйларига, балки еш умрига ҳам хотима ясади...

Икки қора курсида икки йигит ўтиришибди. Уларнинг кўзлари сўниқ, бошлари эгилган. Ажабо, бу йигитларни қотиллик қилишга қай куч ва сабаб мажбур қилдирди? Нега улар шунчалик ваҳшийликка бориб етишди?

Қанчалик сўраб-суриштирманг, сўроларингиз жавобсиз қолади...

— Туринг, суд келаяпти!

Мана шу айтилган биргина калом замирида қанчалар тавба тазарру, ўкинчу пушаймон, ҳасрату армонлар ва норасида болалар кўз ёшлари мужассам.

Аммо манави тубанлашиб, қоронғуда тил топишган жиноятчилар — Ражаб Жалилов ва Маҳмуд Зокировларга бу туйғулар ет. Уларнинг қалбини ёвузлик, ваҳшийлик эгаллаган. Чунки ҳар иккаласининг ҳам кўли қонга ботди. Бир бегуноҳ инсон уларнинг разил қилмишлари туфайли ҳаётдан бевақт кетди. Мархумнинг уч боласи кетидан чирқиллаб қолди.

Ражаб ҳам, Маҳмуд ҳам сиз билан бизнинг ҳамюртларимиз. Ҳар иккаласи ҳам сизу бизнинг орамизда яшашган, бир ҳаводан нафас олишган. Улар ҳам бир хонадоннинг фарзандлари. Биз ва сизга сабоқ берган устозлар уларга ҳам таълим-тарбия беришган.

Лекин надоматларким, ўзларига барвақт ўғрилиқ ва безориликни касб қилиб олган бу жиноятчилар ҳеч қаерда ишлашмаган. Аниқроғи, ҳалол меҳнатга бўйинлари ер бермаган.

Ражаб Жалилов жинойи қилмишлари учун 1991 йил 23 декабрда Китоб туман халқ судининг ҳукми билан айбли топилиб, икки йил шартли равишда озодликдан маҳрум этилган. Бироқ бу жазодан у тўғри хулоса чиқармади. Мажбурий меҳнатдан тез-тез қочиб келиб, бу ерда ўзига ҳамтовоқлар излай бошлади.

Кўр-кўрни қоронғуда танийди деганларидек, у энди-



Ғишқора КОТИЛЛИК

гина 21 ешга қадам кўйган Маҳмуд Зокировни ҳам енига тортиди. Улар дастлаб “КамАЗ” белгили юк машинасида автордиола ҳамда ҳайдовчининг шахсий кийим-кечкаларини ўғирлашди. Кўп ўтмай, тунда Китоб шаҳридаги “Оксув” ресторани қаршида турган “Москвич” енгил автомашинасининг ойнасини синдиришиб, ундаги дипломатни гумдон қилишди. Бу ҳам етмагандек, шу кеч ярим тунда шаҳар видеосалонидан рангли телевизор ва 16 дона видеокассеталарни ўғирлашиб, жуфтакни ростлашди.

Аслида марҳум Назаровлар хонадонига ҳам уларни пул, мол-мулк илинжи бошлаб борган. Аммо босқинчилар ўз мақсадларига эришолмагач, хонадон сохибининг жонига зомин бўлишган...

...Абдурашидга жиноятчиларнинг бири йиртқиқларча ташланар, унинг кўлидаги тўппончасини тортиб олишга уринарди. Унинг қуролини тортиб олишга кўзи етмагач, нарироқда турган шеригига

ўшқира бошлади: “Яқинроқ келиб пичоқ санчсанг-чи, галварс”. Худди шуни кутиб ўтиргандай, кўзи қонга тўлган жиноятчиларнинг иккинчиси ҳам пичоқ тутганча олдин Абдурашиднинг ўнг кўксига, сўнгра чап кўксига кўп марта тиг ботирди. Бу орада Абдурашид Назаровнинг додлаганча ёрдамга-келган турмуш ўртоғи Ҳалима ҳам қонга беланиб жиноятчиларнинг оёғи остида ётарди.

Абдурашид кўксидан тизиллаб оқаётган қонга чап кўлини жон ҳолатда босганича қочиб кетишга одамқушлар ортидан кетма-кет ўқ узди. Хайрият, жиноятчиларнинг бири оёғидан, иккинчиси қорнидан яраланди. Қотиллар тезда қўлга олиниб, уларнинг қилмишлари тергов давомида янада ойдинлашди...

Инсон ҳеч вақт онадан жиноятчи бўлиб тугилмайди. Аввало, оиладаги носоглом муҳит, кўни-қўшни, маҳалла-қўйнинг лоқайдлиги унга қулай шароит яратади.

Ҳар иккала жиноятчи ҳам ана

шу муҳитнинг “каҳрамонларидир”.

Судда йигитларнинг қалбларида аллақандай галаён, нигоҳларида нафрат кўзгалди. Онаизорлар зор-зор йиғлашади. Сўнгги ҳукм ўқилмоқда...

“...Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 194-4 моддаси билан қотиллар Ражаб Жалилов ҳамда Маҳмуд Зокировларга содир қилган оғир жиноятлари учун ўлим жазоси тайинлансин”.

Ўйлаб қилинмаган ноҳўя ҳаракат, қўйилган қалтис қадам, маънавий тубанлик хоҳи бир эмас, бир йўла уч гулдек оилани, уч хонадонни вайрон қилди. Ота-оналар қалбада бир умр доғ қолди. Фарзандлар етим, хотинлар тул қолдилар.

Бу машъум фожиа, ўйлаймизки, ҳали узоқ вақт ҳар биримизнинг қалбимизни ларзага солади, ақл тарозисига солиб, қайта-қайта мушоҳада юритиб, хулоса чиқаришимизга мажбур қилади.

Аҳмад ЛАТИПОВ,
милиция майори,
Абдунаби БОБОЁРОВ,
журналист.

ЁР ИСТИҚБОЛ...

Куз эмасми, лойқалаб оққан сойлар ва ариқлардаги сувлар энди тиниб жилдираб қолган.

Бу фаслни кўплар инсон умрининг поёнига қиёслайди. Табиати бир бўлаги бўлган инсон шу табиат каби умрлар давомида турлича тусланади, чигириқларидан ўтади. Тугилади, улғаяди.

Бардоқ туманининг чекка Учкўприк тумани билан чегарадош Жарқишлоқ қишлоғи бўйлаб оқадиган сой ёқасидан топилган аёл жасади ҳам жасадга айланмасдан туриб шу табиат кўйида сиз билан биздек ҳаёт кечириб юрган эди. Минг бир ташвишлар унинг бошида гужгон ўйнар, орзулар тугғени унга ҳам тинчлик бермасди. Фикрлар оғушида у Қўқонга отланганида ўз тақдири бундайин фоживий тугашини билганида балки бу ерларга қадам босмай, ўғли Шухрат билан тинчгина ҳаёт кечириб юрган бўлармиди? Лекин инсон пешонага ёзилган тақдирдан қочиб кетолмас экан.

Саодат ҳам ўз тақдири шундай якуни топишини қаёқдан билибди дейсиз.

Хуллас воқеа бундай бўлган эди.

Саодат бундан уч йиллар илгари водийлик йигит билан танишиб қолади. Булар ўртасидаги таниш-билишлик ўзаро ишқий ишлар билан боғланади. Энди улар тез-тез кўришиб туришадиган бўлишади. Бу учрашувлар ҳамisha Саодатнинг

уйида бўлиб ўтар эди. Кунларнинг бирида Саодатнинг уйдан телевизор йўқолади. Ушбу ўғирликда шу йигитни гумон қилган Саодат ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Шаҳар ички ишлар бўлими эса йигитни сўраб суриштиргандан сўнг ўғирликка алоқаси йўқ эканлигини билишиб кўйиб юборишади. Бу воқеадан сўнг йигит Саодатнинг уйига қадам босишни тарк этади. Исми, Шокир бўлган бу йигитни қўмсаб қолишми ёки Шокир билан бошқа алоқалари борми, Саодат уни топиш учун водийга, тўғрироғи Қўқонга йўл олади. Унга янги таниши ўз ёрдам кўлини чўзади. Биргаликда улар Қўқонга келишади. 21 сентябрда Саодат янги таниши, тўғрироғи жазмани билан Қўқонга келиб шаҳарни айланишади. Йигит Саодатни ўз уйига нима деб олиб киришни билмас, олиб кирганда ҳам уйдагиларга, турмуш ўртоғига нима деб таништиришни ўйлар эди. У ўйлай-ўйлай Саодатни уйга олиб бормасликка аҳд қилди. Саодат эса ундан ажралишни ҳаёлига ҳам келтирмас, лекин йигитни фикри нима билан банд эканлигини ҳам қаёқдан билсин.

Абдувоҳид уйга қандай бўлмасин Саодатни олиб кирмаслик ниятида тубанликка йўл қўйди. У Саодатнинг бошига гишт парчаси билан уради. Бир, икки, уч... Сўнгра қишлоқ четидан оқаётган Янгиқўрғон сойига совиб ул-

гурмаган жасадни итариб юборади. Ўз ишидан кўрқиб кетган йигит жасадни сойга тушдими йўқми ўйлаб ҳам ўтирмай ортига қайтади. Шу тариқа туманда илгари камдан кам учрайдиган ваҳший қотиллик рўй берди.

Сентябрнинг сўнгги кунлари Бардоқ тумани ички ишлар бўлимига Ултарма қишлоқ Кенгашидан совуқ хабарнома етиб келди. Хабарнома бутун ички ишлар бўлими ходимларини оёққа турғизди. Ҳаммининг фикри ёди ушбу жиноят ишини очиш тўғрисида бўлди. Ҳали шахсий тизим билан танишиб улгурмаган янги бошлиқ, милиция подполковниги Шерзод Эркабоев барча ходимларни йиғиб, тезкорлик билан ушбу жиноятни очиш тўғрисида маслаҳатлар берди. Керакли ходимлардан аёл кимлигини ва бу жиноятни ким қилиши мумкинлиги хусусида фикр мулоҳазаларини эшитди.

Туманда ушбу жиноятни очиш учун шошилинч равишда иш режаси тузилиб туман прокуратура терговчиси А. Ҳошимов ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи муовини, милиция капитани М. Мамадалиевлар бошчилигидаги гуруҳ ишга киришди.

Мурданинг шахси аниқланди. Энди барчанинг фикри иккинчи масалага қаратилган эди. Қотил ким? Нима сабабдан унга Саодатнинг ўлими керак бўлиб қолди?

Суриштирув давомида Ултарма қишлоқ Кенгашида яшовчи, илгари Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 216-моддаси билан судланган Абдувоҳид Мамадалиев ички ишлар ходимлари эътиборини жалб этди. Қолаверса уни қишлоқда кам бўлиб шаҳарларга тез-тез чиқиши ҳам кишида шубҳа уйғотган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай бу шубҳаларга ҳожат қолмади. Тергов мобайнида Абдувоҳид Мамадалиев ўз айбини тан олди. Қотиллик шундай қилиб фош этилди.

Самнижон ҚОРАБОЕВ,
Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси
матбуот гуруҳи ходими, милиция
лейтенанти.

ТАЛОНЧИЛАР УШЛАНДИ

Қўшқўпир туманидаги “Иттифоқ” жамоа хўжалигида яшовчи О.Давлатовни уч нафар шахс уриб, 100 минг сўм пул талаб қилганди. Жиноят-қидирув бўлими ходимларининг чаққон ҳаракатлари билан жиноятчилар ушланди. Улардан 3 дона ов милтиғи, ўқ, ясама пичоқ, ракета тўппончаси ва гиёҳванд моддалар тортиб олинди.

Талончилар Хива туманида яшовчи шахслар эканлар.

ТОВЛАМАЧИНING ҚИЛМИШИ

Урганч тумани “Истиқбол” жамоа хўжалигида яшовчи О.Йўлдошевга Т. исми аёл хат келтириб берди. Хат “Агар боланг керак бўлса 100 минг сўм пул келтир”, деган мазмунда эди. Пулни қўйиш жойи ҳам айтилганди.

Товламачи шу жамоа хўжалигида яшовчи шахс бўлиб, жиноят устида қўлга олинди. Унинг ёнидан гиёҳванд модда топилди.


ЎҒРИ ҲАМ ГИЁҲВАНД

Шовот тумани матлубот жамиятига қарашли “Ёшлик” кўпмолли дўконга ўғри тушди. У дўкон деворидан ошиб кирган ва 5 қоп пиёз, 8 шиша рангсиз лакни олиб жуфтакни ростлаган.

Буни қарангки бир йўла шунча нарсани олиб кетган ўғрини дўкон қоровули кўрмаган. Қидирув ишлари натижасида жиноятчи ушланди. У Қўшқўпир туманида яшовчи ва шу тумандаги ҳунар-техника билим юрти толиби бўлиб чиқди. Унинг ёнидан ҳам гиёҳванд модда топилди.

М.НАВРЎЗАЛИЕВ,
Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот
гуруҳи ходими, милиция катта лейтенанти.

БОШҚОТИРМА



1. Асли исми Моҳларойим бўлган ўзбек шоираси 2. Ўзбек ва тожик қизлари севиб қиядиган газлама 3. А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси бош қаҳрамони 4. Санъат асарини ижро этиш билан шуғулланувчи касб эгаси 5. Милоддан аввалги 530 йили Эрон шоҳи Кайхисравни мағлубиятга учратган массагетлар иттифоқининг ҳукмдори 6. Ойлик жарида 7. Келинчаклар бош тақинчоғи 8. А. Навоийнинг «Хамса»сидаги образлардан бири 9. Сув бетиде ўсадиган гул 10. А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамонларидан бири 11. М. Горький асари 12. Мураккабдошларга мансуб кўпйиллик ўтлар туркуми 13. П. Қодировнинг «Қадрим» қиссаси қаҳрамонларидан бири 14. Аёллар йиғинида оятлар, бадий асарлардан парчалар ўқувчи аёл 15. Исм 16. Раънодошларга мансуб гул 17. О. Ёқубовнинг «Диёнат» романидаги образлардан бири 18. Ер юзиде биринчи космонавт аёл 19. Тиббиёт ходими 20. С. Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясидаги образлардан бири 21. С. Аҳмаднинг «Гилдирак» номли ҳажвий қиссасидаги қаҳрамонлардан бири 22. Эркак билан аёлнинг бир-бирига, болаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқарувчи оилавий иттифоқи.

Тузувчи Йўлдош НАСРИДДИНОВ,
милиция подполковниги.

ҚОСИМЖОН ТОЙЧИЕВ



Бевақт ўлим ажойиб инсон, меҳрибон дўст ва қадрдонимиз Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани ИИБнинг иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси бошлиғи, милиция подполковниги Қосимжон Тойчиевни 46 ёшида орамиздан олиб кетди.

Қосимжон Тойчиев 1947 йили Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятидаги Науқат қишлоғида таваллуд топган. 1976 йили Тошкент Халқ хўжалиги олий билимгоҳини тугатиб, Тошкент кооператив техникумининг йўлланмаси билан Тошкент вилояти ИИБга ишга келди. Оддий нозирликдан то Ўрта Чирчиқ туман ИИБнинг иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси бошлиғи лавозимига қадар кўтарилиб, милиция подполковниги унвонига сазовор бўлди.

У ўзига юклатилган вазифасини сидқидилдан бажарар, шахсий таркиб ўртасида доимо ўрناق эди.

Иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши кураш нозирлигидан бўлинма бошлиғи лавозимига кўтарилиб ишлаган даврида Қ.Тойчиев давлат мулкни талон-торож қилган, фуқаролар ҳақида хиёнат қилган

шахсларни аниқлаб, жавобгарликка тортишда кўрсатган хизмати учун ИИБ ва вилоят ИИБ томонидан кўп мартаба турли мукофотлар билан тақдирланган. Қосимжон Тойчиевнинг еркин хотираси қалбларимизда сақланиб қолади. Унинг оила аъзоларига сабр-бардош тилаб, чуқур қайғумизни изҳор қиламиз.

Охиратинг обод бўлсин, Қосимжон!

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИБ
РАЎБАРИЯТИ ВА ШАХСИЙ
ТАРКИБИ.**

Чаман ичида


бир гул,

Гул бир ён,

чаман бир ён...



ҚИДИРИЛМОҚДА



қилувчи, 1968 йилда тугилган, хотини билан ажрашган, ҳеч қаерда ишламайдиган Ихтиер Абдутолибович Жўраев қидирилмоқда.

У Ўзбекистон ва қўшни республикалардаги шохбекатлар, поездлар ва меҳмонхоналарда кезиб юрганида одамларнинг ишончини қозониб, сўнг уларнинг буюмларини ўғирлаб кетади.

Белгилари: бўйи 170-175 см., қотмадан келган, бугдойранг, сочлари қора, қўйқўз, модага мос кийинади, одамларнинг ишончини тез қозонади.

Унинг макони ҳақида бирор нарса билганлардан Бухоро вилояти ИИБга 4-21-03 телефони, Бухоро туман ИИБга 3-72-13 телефони ёки яқин ўртада жойлашган милиция бўлимига «02» телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Бир қатор жиноятлар содир қилганлиги учун ички ишлар идоралари томонидан Бухоро вилояти Жондор тумани Ибн Сино жамоа хўжалигининг Шербиён қишлоғида истиқомат

Тошкент вилояти ИИБ ва қариндошлари томонидан бедарак йўқолган Шохмурод Муродович Аббосов қидирилмоқда. У 1992 йил 12 ноябрь куни давлат белгиси 57-16 ТШП бўлган «КамАЗ-53121» белгили автомашинасида Олмалик шаҳридаги 3-автобазадан чиқиб кетганича қайтмаган.

Ш. Аббосов 1930 йилда тугилган. Ўша куни ҳаворанг пиджак, қизил рангли катак кўйлак ва қора шапкада бўлган.

Автомашина белгилари: ранги сарғиш, двигатель рақами — 678923, шасси рақами — 066857.

Ш. Аббосов ва юқорида кўрсатилган автомашина ҳақида бирон бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда



65-07-79 ёки «02» рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

ХАНДАЛАР

— Агар сен севгимни рад этсанг, мен ўламан.

— Қасам ичди йигит.

Қиз унинг севгисини рад этди.

У ҳақиқатан ҳам ўлди... Орадан 60 йил ўтгач.

Ёшгина хоним қаршисидан чиқиб қолган аёлни касалхона бош врачиде деб ўйлаб, унга мурожаат қилди:

— Капитан Вельямснни кўрсанг майлими?

— Кечирасиз, кимлигингизни билсам бўладими? — қарши савол берди аёл.

— Албатта. Мен унинг сингисиман.

— Шунақами? Сиз билан танишганимдан бағоят хурсандман. Мен сиз сўраётган Вильямснинг онасиман.

— Кеча, орадан ўн йил ўтиб, курсдошларим билан учрашдим.

— Хўш уларнинг ҳаётлари қандай экан?

— Айримлари уйланибди, қолганлари яхши яшашяпти.

— Икки хотинлиқнинг нимаси ёмон?

— Икки қайноналиги.

— Амаки, балиқ ушлайдиган тўр қандай ясалади?

— Жуда оддий: бир нечта тешиқлар олинади ва бир-бирига боғлаб чиқилади.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Бўка туманидаги Жамбул давлат хўжалигида жойлашган 31-ўрта мактаб томонидан 1988 йилда Алишер Бердибоев номига берилган Д 447824 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Ўзбекистон Республикаси «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни босмаҳонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.